



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

www.uzas.uz

2018-yil 6-aprel № 15 (4465)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек адабиётининг бугунги тараққиётида 80 йилдан зиёд тарихга эга бўлган, мамлакатимиздаги нуфузли ижодий ташкилотлардан бири ҳисобланадиган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг муносиби ўрни бор. Мустабид тузум давридаги турли мафкуравий таъбирларга қарамадан ушбу ижодий уюшма миллатимизнинг руҳи бўлган она тилимиз, азалий қадриятларимизни сақлаб қолиш ва авлодларга безавол етказиш, халқимизнинг онгу тафаккурини юксалтириш, мустақиллигимизнинг маънавий асосларини яратиш, сўз санъаткорларини бирлаштириш, уларнинг маънавий ҳимояси ва масъулиятини ошириш, уларни халқимизнинг қадимий тарихи ва бой маданиятини, эл-юртимизнинг фидокорона меҳнати билан эришилаётган туб ўзгаришларни тўғри равишда қаратишга қаратилган юксак бадиий асарлар яратишга рағбатлантириш; уюшма аъзоларининг ижтимоий-маънавий фаоллиги ва масъулиятини ошириш, уларни халқимизнинг қадимий тарихи ва бой маданиятини, эл-юртимизнинг фидокорона меҳнати билан эришилаётган туб ўзгаришларни тўғри равишда қаратишга қаратилган юксак бадиий асарлар яратишга рағбатлантириш;

Бугунги кунда мамлакатимизда барча соҳалар каби миллий адабиётимиз ривожини янги босқичга кўтариш бўйича ҳам кенг қўламли ишлар олиб борилаётган. Жумладан, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг "Дўстлик" ижод уйи ва поликлиникаси тубдан реконструкция қилинди. Уюшма қошида "Ижод" жамоат фонди тузилди. Пойтахтимизда Адиблар хиббони барпо этилди, Ёзувчилар уюшмаси учун янги бино қурилиб, худудларда улуғ адибларимиз номлари билан аталган ижод мактаблари, маданият ва истироҳат боғлари бунёд қилинмоқда. Адабиётимиз атоқли намоёндаларининг юбилей саналари муносиб нишонланмоқда, истеъдодли ёшларни тарбиялаш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида турли ижодий анжуманлар ўтказилмоқда. Ёш шоир ва ёзувчиларнинг биринчи китоблари давлат ҳисобидан кўп миң нусхаларда нашр этилиб, таълим масканлари ва кутубхоналарга етказиб берилмоқда.

Айни вақтда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг асосий фаолият йўналишлари, унинг Низоми ва таркибий тuzилимаси бугунги шиддатли давр талабларига тўла жавоб бермапти. Бозор иқтисодиёти ва глобаллашув жараёнлари билан боғлиқ ҳозирги мураккаб шароитда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоларининг ҳаётий манфаатларини таъминлаш, уларнинг ҳимоят қарқўнига учун беқийс аҳамиятга эга бўлган машаққатли ижодий меҳнатини муносиб қадрлаш, адабиёт ва санъат соҳасини ҳар томонлама ривожлантириш, бадиий ижод аҳлининг жамоатчилик ҳаётидаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, истеъдодли ёш ижодкорларни тизимли асосда тарбиялаш ва бошқа ўта муҳим йўналишларда оқолиққа йўл қўйилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган берилган асосий вазифаларни, жумладан, "Давлат - маънавиятнинг бош ҳимойиси", деган устувор тамойилни ҳаётга изчил жорий қилиш, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини тако-

миллаштириш ва унинг иш самарадорлигини янада ошириш мақсадида:

1. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда ижодий жамоатчиликнинг:

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг (кейинги ўринларда - Уюшма деб аталади) жамоатчилигини таъминлаш, янги-янги тафаккур ва дунёқарашни ривожлантириш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш; уюшма аъзоларининг ижтимоий-маънавий фаоллиги ва масъулиятини ошириш, уларни халқимизнинг қадимий тарихи ва бой маданиятини, эл-юртимизнинг фидокорона меҳнати билан эришилаётган туб ўзгаришларни тўғри равишда қаратишга қаратилган юксак бадиий асарлар яратишга рағбатлантириш; уюшма аъзоларининг моддий ва маънавий манфаатларини, муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар учун ҳар томонлама шароит яратиш бериш, машаққатли ижодий меҳнатини адолатли баҳолаш;

Уюшманинг обрў-эътибори ва юксак макомини муносиб сақлаш, унинг сифат таркибини яхшилаш мақсадида ушбу ташкилотга аъзоликка қабул қилиш бўйича замонавий ва таъсирчан мезонларни белгилаш; катта истеъдод ва юксак гражданлик позициясига эга бўлган кенга авлод вақилларининг ижодий салоҳияти ва маҳоратидан ёшларни кенг баҳраманд этиш;

ёш истеъдод соҳибларини излаб топиш, уларнинг иқтидорини рўйбоқ чикариш учун чуқур ўйланган, замонавий илм-фан ютуқларига асосланган инновацион усулларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш; дунё адабиётининг энг яхши намуналарини ўзбек тилига таржима қилиш ва чоп этиш, мумтоз ва замонавий адабиётимизнинг энг сара намуналарини хорижий тилларга ўғриш ва чет элларда тарғиб этиш тизимини яратиш; ўзбек тилидаги Интернет адабиётини шакллантириш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; мумтоз адабиётимизни, хусусан, Алишер Навоий асарларини халқимизга янада яқинлаштириш, бу ноёб меросни маънавиятимизнинг ҳаётбахш манбаи ва тарихий қисмига айлантириш ҳақидаги тақдирларни маъқуллаш.

2. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг олий органи - Конференциясининг Уюшманинг таркибий тuzилишини қайта кўриб чиқиш ва янги таҳрирдаги Низомини тасдиқлаш, унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги бўлимларига қўшимча штатлар ажратиш ҳақидаги қарори маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазир-

лар Маҳкамаси бир ой муддатда Уюшма аъзоларининг моддий ва маънавий манфаатларини таъминлашни кучайтириш мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Интеллектуал мулк агентлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Уюшма билан биргаликда ижодкорларнинг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мулк шаклидан қатъий назар, барча оммавий ахборот воситалари, жумладан, электрон ОАВ, нарийнликлар томонидан муаллифлик ҳонорари тўлашни қонуний асосда таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқсин ва уларнинг ижросини қатъий назоратга олсин;

китоб савдоси тизимини такомиллаштириш, жумладан, Уюшма аъзоларининг янги нашр этилган асарлари мамлакатимизнинг барча худудларидаги ўқувчиларга ўз вақтида етиб боришини, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари ишлаб топилган маблағлари, шунингдек, қорхона ва ташкилотлар, ҳўжалик бирлашмаларининг ўз маблағлари ҳисобидан ушбу китобларни сотиб олишини ва улар билан ўз тасарруфидоги ахборот-ресурс марказлари, кутубхоналар, маданият саройлари, маънавият хоналарини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 октябрдаги "2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартираларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини самарали амалга ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3350-сон қарорига мувофиқ Уюшма аъзолари учун:

Тошкент шаҳрида имтиёзли ипотека кредити асосида 110 та квартираларни қуриш ишлари бошлангани маълумот учун қабул қилинсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси ҳамда вилоятлар ҳокимликлари 2018-2021 йилларда худудларда яшаб фаол ижод қилаётган, уй-қоғи муҳтож Уюшма аъзолари учун имтиёзли ипотека кредити асосида уй-қоғи ажратиб бўйича аниқ режалар ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин. Вазирлар Маҳкамаси мазкур режаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини қатъий назоратга олсин;

Мазкур уй-қоғиларни тақсимлашда қонунийлик ва адолат мезонларига қатъий амал қилишга алоҳида эътибор қаратилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ой муддатда Уюшма аъзолари, жумладан, вилоятларда яшашган ижодкорларга сифатли ва имтиёзли тиббий хизмат кўрсатиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув ҳўжалиги, қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш ма-

салалари комплекси бир ой муддатда Уюшмага қарашли ижод уйлари ва ошхоналарини арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича аниқ режа ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

7. Тошкент ва Жиззах вилоятлари ҳокимликлари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда бир ой муддатда "Дўстлик" ижод уйи ҳамда янги бунёд этилаётган "Паркент" ва "Зомин" ижод уйларида мақсадли ва самарали фойдаланиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "Ижод" жамоат фондидан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ушбу фонднинг худудий бўлимларини тузиш тўғрисидаги тақлифи маъқулласин.

Амалдаги тартибга биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири "Ижод" жамоат фонди Вазирлар Маҳкамасига қўйишга қаратилган қарор, фонднинг худудий бўлимлари Вазирлар Маҳкамасига Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси раиси ва вилоятлар ҳокимлари раис, худудий университет ва институтлар ректорлари раис ўринбосарлари сифатида бириктирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ой муддатда "Ижод" жамоат фонди худудий бўлимларининг молиявий манбаларини аниқласин.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари:

Уюшманинг худудий бўлимлари фаолиятини самарали ташкил этишга қўмаклашиш; ўз худудидида яшаётган Уюшма аъзолари ҳамда истеъдодли ва истиқболли ёш ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

Уюшма аъзолари иштирокида маҳалла, ҳарбий қисмлар ва таълим муассасаларида мунтазам маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш, шунингдек, ишлаб чиқиш қорхоналарида шартнома асосида ижодий учрашувлар ташкил этиш ишларига шахсан масъул экани белгилан қўйилсин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари Уюшма билан биргаликда бир ой муддатда Уюшма худудий бўлимларининг моддий-техник базасини мустақамлаш юзасидан чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси билан биргаликда Уюшма ҳузуридаги "Ижод" жамоат фонди маблағлари ҳисобидан худудий бўлимларини 1 та (битта)дан энгил хизмат автотранспорт воситалари билан таъминлаш чораларини қуриш тавсия этилсин.

Давоми иккинчи саҳифада.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

БУЮК АДИБ ВА ЖАМОАТ АРБОБИ ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 90 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов нафақат қирғиз эли, айни пайтда, бугун туркий мамлакатлар, жумладан, ўзбек халқи учун ҳам азиз ва қадрли сиймо, Ўзбекистоннинг улкан дўсти эди.

Чингиз Айтматов минтақамиз тинчлиги ва оқойишга, унинг келажаги ва равнақи, халқларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустақамлаш, уларни турли зиддият ва қарама-қаршиликлардан асраш йўлида фидокорона фаолият олиб борди.

Утган асрнинг 80-йилларида собиқ Марказ томонидан уюштирилган "Ўзбек иши", "пахта иши" каби ноҳақ сиёсий кампаниялар чоғида Чингиз Айтматовнинг адолат ва ҳақиқат кўйичи сифатида халқимизнинг шаъни ва обрў-эътиборини катта минбарлардан туриб мардона ҳимоя қилганини эл-юртимиз ҳаммиша миннатдорлик билан эслайди. Бетақрор ижодкорнинг давлатимиз томонидан "Дўстлик" ва "Буюк хизматлари учун" орденлари билан тақдирлангани ҳам шундан далolat беради.

Атоқли адиб ўзбек адабиёти ва санъатининг йирик намоёндалари билан яқин дўст ва ижодий ҳамкор бўлгани ёш адибларимиз учун юксак ибрат намунасидир.

Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги муносабатлар тарихида янги давр бошланган ҳозирги пайтда Чингиз Айтматовнинг ўлмас бадиий мероси халқларимиз учун янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Унинг гуманизм ва зғулиқ гоғларини, миллий ва умумбашарий қадриятлар, турли миллатлар ва элатлар ўртасида ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик ришталарини мустақамлашга қаратилган баркамол асарлари мамлакатимизда миллионлаб нусхаларда нашр этилмоқда. Ўзбекистон Миллий университетидида ташкил этилган "Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон" доимий экспозицияси фаолият кўрсатмоқда.

Ўзининг ноёб истеъдодли ва ўшқин ижтимоий фаолияти билан халқларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни, адабий-маданий алоқаларимизни ривожлантириш ишига қўшган улкан ҳиссасини инобатга олиб ҳамда таваллудининг 90 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Фанлар академияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва жамоатчилик вақилларининг буюк адиб ва

жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини мамлакатимиз миқёсида кенг нишонлаш тўғрисидаги тақлифларни маъқуллаш.

2. Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий қўмита (кейинги ўринларда Ташкилий қўмита деб аталади) таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий қўмита бир ой муддатда Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини юқори савияда нишонлаш бўйича тегишли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин.

Ушбу чора-тадбирлар режасида: "Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон" номли хотира китобини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш; Чингиз Айтматов ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида ҳужжатли фильм яратиш; ёзувчи асарлари асосида янги спектакль саҳналаштириш ва бадиий фильм сураатга олиш;

Чингиз Айтматов хотирасини абадийлаштириш мақсадида Тошкент шаҳрининг марказий кўчаларидан бирига адиб номини бериш;

Тошкент вилояти Паркент туманидаги 33-мактабда адиб бюстини ўрнатиш; Ўзбекистон Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда "Чингиз Айтматов ва ўзбек адабиёти" мавзусида илмий конференция ўтказиш; мамлакатимиздаги олий ва ўрта махсус, касб-хунар, умумий ўрта таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳалларда таниқли шоир ва ёзувчилар, олимлар иштирокида учрашувлар, адабий кечалар ташкил этиш;

2018 йил декабрь ойининг иккинчи ўн кунлигида Ўзбек Миллий академик драма театрида атоқли адиб хотирасига бағишланган ижодий кеча ўтказиш тадбирлари кўзда тутилсин.

4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, "Жаҳон" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларида Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.


5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 2 апрель

9 апрел ~ Амир Темур таваллуд тоғли кун АВЛОДЛАР ЭСГА ОЛУР



Қадим Туркистон ва унинг юраги бўлмиш бугунги Ўзбекистон неча даҳолару донишмандларга, шоиру саркардаларга, алломаю уламоларга, бунёдкор, адолатли шоҳларга бешик бўлган, алла айтган диёр. Уларнинг саногига етиш мушкул, бебаҳо маънавий мерослари эса уммон мисол тубсиз-бепеёнди.

Буюклар қаҳқашонида энг дувруқли зот - Соҳибқирон Амир Темурнинг порлоқ юлдузи безаволдир.

Давоми олтинчи саҳифада.

БОБОЛАР ҲИКМАТИ ҚЎЛДОШИНГ БЎЛСИН

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўргатиш ва тарғиб этишни ташкил қилиш бўйича ташкилий қўмита йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ёзувчилар, шоирлар, таржимонлар, давлат ва жамоат арбоблари иштирок этди.

Тадбирини Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов очди ва бошқариб борди.

Бугун мамлакатимизда миллатлараро тинчлик ва тотувлик, пухта ўйланган ва ўзаро манфаатли ташқи сиёсат амалга оширилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар қўрилгани натижаида қўшни давлатлар билан ишончли муносабатлар йўлга қўйилгани, Марказий Осиё худудидида савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратилгани йиғилишда алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев ташаббуслари ва амалий ишлари тимсолида ўзбек ва қозоқ халқларининг ҳамдўстлик алоқаларини ривожда янги давр бошлангани алоҳида таъкидланди. Тили, дини, қони бир, келиб чиқиш тарихи бир бўлган ўзбек ва қозоқ халқларининг маданий-адабий алоқаларини Навоий ва Абай каби мутафаккир шоирлар воситаларининг ҳамкорлик робиталари Ойбек ва Мухтор Авезов, Миртемир ва Абдулла Тожиев, Абдулла Ори-

пов ва Ўлжас Сулаймоновнинг жонажон дўстлиги, қадр-донлиги билан маҳкам боғлангани, бугунги глобаллашув замонидида дўстликнинг янада мустақам бўлиши халқларимизнинг фаровонлиги ва оламнинг тинчлиги учун ниҳоятда муҳим экани айтиб ўтилди. 2018 йил Қозғистонда "Ўзбекистон йили" деб эълон қилиниб, Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари иштирокида бу улкан тарихий воқеанинг очилиш маросими бўлиб ўтгани, шу муносабат билан ўзбек маданияти, санъати ва адабиётини тарғиб этишга катта эътибор қаратилгани ҳар икки халқ қалбига улкан қувонч бағишлаганига буюк дўстликнинг алоқаларини ривожлантириш мақсадида:

Ёзувчилар уюшмасида

тун дунё гувоҳ бўлди. Шу йилнинг 13 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўргатиш ва тарғиб қилиш тўғрисида" қарори қабул қилингани катта воқеа бўлди.

Ўзбекистон халқ шоири Миртемир ўз даврида қозоқ мумтоз шоири Абай ҳақида шундай ёзган эди:

Олатов чўққисига қўнгандай ота бургут,
Олмаота ўртасида турлибу у барҳайт.
Гўё ҳамон элига сўйлар ҳикмат ва ўғит,
Ҳамон ўлавлар тўқиб, ўқимокда ўлмас зот.

ЯНГИЛАНИШ, МЕХҲ-ОҚИБАТ ВА ФАРОВОНЛИК АЙЁМИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Президентимиз дастлаб байрам сайлида иштирок этаётган дипломатик корпус вакиллари, фахрий меҳмонлар билан кўришиб, уларни муборақбод этди.

...Асрлар давомида Наврўз кунлари халқимиз ёппасига қир-адирларга, кўча ва хиёбонларга, гузар ва сайилгоҳларга сайилга чиққан. Бахшилар айтишуви, лапарлар, ҳазил-мутойиба, қўшиқлар, халқ термалари, аския-чилар пайроғи янграган. Улок-кўпари, пой-га, кураш, меганлик каби миллий ўйинлар ўтказилган. Дорбозлар, масхарабозлар, кўйрочбозлар, полвонларнинг томошалари бўлиб ўтган.

Юртимизда бу йилги Наврўз байрами ўзгача нишонланмоқда. "Ўзэкспомарказ" мажмуида кенг сайил сифатида ўтган байрам дастурда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан келган вакиллар ўз ҳудуди тарихи, маданияти, урф-одат ва анъаналарини акс эттирган чиқишлар, тансиқ таомлар ва хунармандлик маҳсулотларини намойиш этди. Устаю хунармандлар, ганчкорлар, каштадўзу чеварларнинг рангин либослари, дўмбира, доира каби халқ чолғу асбоблари, миллий буюмлар барчада катта қизиқиш уйғотди.

Ранг-баранг ашула ва рақс, турли бадий жамоаларнинг чиқишлари, уюштирилган халқ ўйинлари, куйланаётган қўшиқ, лапар ва ижро этилаётган рақсларда қадимий байрамимизнинг хилма-хил ноёб кирралари ўз аксини топди.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир ҳудуд учун ажратилган майдонга бориб, уларнинг концерт дастурларини томоша қилди. Ҳудудлардан ташриф буюрган нуруний отахону онахонлар билан суҳбатлашиб, уларни байрам билан табриқлади. Кўлар дуога очилди.

...Йилгилар чиллак, зувиллар ўйнайди, кураш тушиб беллашади. Қоқигулдан бошига чамбараклар тақиб олган қизлар қошларига ўсма тортинидади. Дорбозга қараган одамнинг кўзи қамашади. "Беш тош", "Мак-мак" ва "Оқ теракми, кўк терак?" ўйинлари, полвонлик, гимнастика, акробатика, масхарабозлик, қизиқчилик каби намойишлар Наврўз сайли катнашганини хушуд этди. Дошқозонларда қайнаган сумалак ифори оламни тутди. Сочларига жамалак таққан қизлар шўх-шодон рақсга тушади. Онахонлар тандирдан қайноқ нонларни узиб, меҳмонларга улашади.

Лапарлар, қўшиқлар, халқ термалари, аскиячилар пайроғи кизиди. Фольклор жамоаларининг кўп қўшиқлари қизлар учурига кўркам-фавворанинг жилдирашига уйғунлашиб кетди.

...Халқимиз Наврўзни ўзгача бир соғинч, интиқлик билан кутади. Бу гал ҳам шундай

фусункор дамларда еру кўх бағрида рўй берётган ўзгаришларни қалбидан ўтказётган ҳамюртларимиз дилларида кувонч, ана шу ёруғ кунларга, гўзал ҳаётнинг бебахо неъматларига эсон-омон етганимиз, осмонимиз мусаффолиги учун шукроналик туйғулари тугён ураётир.

Юртимиз бўйлаб олиб борилаётган кенг кўламдаги ислохотлар руҳи одамлар қалбига кўчиб, ватандошларимиз бунёдкорлик, ободлик сари интиқмоқда. Ўтган йили 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харақатлар стратегиясини "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" да амалга оширишга оид Давлат дастури доирасида кенг кўламда ишлар амалга оширилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан барча даражадаги раҳбарлар

бағридаги Авминзо-Амантой олтин конлари негизда гидротметаллургия заводи куриш бўйича ишлар давом этмоқда. Қандим газни қайта ишлаш комплексига ишга туширилиши ҳисобидан 2018 йилда қўшимча равишда 4 миллиард 100 миллион куб метр табиий газни қайта ишлаш, 67 минг тоннадан зиёд конденсат, 106 минг тоннадан ортик олтингурут ишлаб чиқариш имкони яратилди.

Олмалик кон-металлургия комбинати "Ёшлик - 1", "Ёшлик - 2" конларини ўзлаштиришга киришди. Сардоба, Марказий Фарғона ва Тўпаланг сув омборларини куриш бўйича ишлар жадал олиб боришмоқда. Фарғона - Марғилон йўналишидаги темир йўл тармоғи айна пайтада электрлаштирилаётган. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2017 йилда иқтисодий ўсиш суръати 5,5 фоизни ташкил этди, экспорт ҳажми қарийб 15 фоизга кўпайди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 854 миллион долларга етди.

Миллий валютанинг эркин конвертацияси йўлга қўйилди. Юридик ва жисмоний шахслар хоржий валютани тижорат банкларида чекловсиз сотиб олиш ва эркин сотиш имконига эга бўлди.

2017 йилда янги санаот корхоналарини куриш, хизмат кўрсатиш объектларини ишга тушириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлики ривожлантириш ҳисобидан 336 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Шаҳар ва қишлоқларда жами 3,5 миллион квадрат метрдан зиёд намунавий уйлар ва кўп қаватли уй-жойлар барпо этилди. Бу 2007 йилга нисбатан 20 баробар, намунавий уй-жойлар куриш дастури бошланган 2010 йилга нисбатан 3,5 баробар кўп уй-жой курилганини кўрсатади.

25 йил давомида биринчи марта аҳоли учун арзон, барча қўлайликларга эга кўп қаватли уй-жойлар курилиши бошланди. 2017 йилнинг ўзида 800 минг квадрат метрдан зиёд ана шундай уй-жойлар курилди. Биргина Тошкент шаҳрининг ўзида ўтган йили 420 минг квадрат метр кўп қаватли уй-жой фонди фойдаланишга топширилди.

Маънавий ҳаётимизда ҳам муҳим воқеалар содир бўлди. Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази, Имом Бухорий ва Имом Термизий номларидаги халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ислон академияси каби илмий-маърифий муассасалар фаолияти йўлга қўйилди.

Халқаро ҳамкорлик борасида ҳам мамлакатимиз тарихида улкан ўзгаришлар рўй берди. Бир йилнинг ўзида 21 та олий даражадаги ташриф амалга оширилди, 60 дан ортик давлат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари билан учрашувлар ўтказилди. Натижада 400 дан ортик битим ва келишувларга эришилди, қарийб 60 миллиард АҚШ

доллари ҳажмидаги савдо ва сармоявий шартномалар имзоланди.

2018 йилга юртимизда Фаол тадбиркорлик, инновацион гоғлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили, деб ном берилди. Бу йил бизнес-фаолиятни инновацион, яъни замонавий ёндашувлар, илгор технология ва бошқарув усуллари асосида ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бунда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиб, нафақат ўзини ва оиласини боқадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармон инсонлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланади.

...Наврўз мамлакатимизда яшаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча ватандошларимиз орзиқиб кутадиган умумхалқ байрамидир. Бугун мамлакатимизда 130 дан ортик миллат ва элат вакиллари ахил ва иноқ яшамоқда. Улар умумий уйимиз - Ўзбекистонимиз равақи йўлида барча соҳаларда фидокорона меҳнат қилмоқда. Давлатимиз раҳбари тантанаванга ташриф буюрган турли миллат ва элат вакиллари билан учрашиб, уларни байрам билан табриқлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Наврўзи олам - Шарқона янги йил билан бутун Ўзбекистон халқини самимий муборақбод этди.

Кутлуг кунда барчага сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, оилаларга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилди.

...Майдон узра янграётган дилбар куй-қўшиқлар мамлакатимизнинг олис-олис ҳудудларига таралиб, байрам шукрудини юртимиз бўйлаб ёйди.

Шу кунга Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Самарқанд шаҳрида ўтказилган Наврўз шодибаналарида ҳам иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб шаҳардаги марказий истироҳат боғида яқинда ўрнатилган Алишер Навоий ва Жомий ҳайкаллари пойга гул қўйди. Шу ерда самарқандлик ижодкорлар ҳамда Наврўз шодибаналарида иштирок этиш учун юртимизга келган тожикистонлик шоир ва ёзувчилар билан мулоқот чоғида ўзбек ва тожик адабиётининг бу икки буюк вакили хотирасига ўрнатилган ёдгорлик халқларимиз ўртасидаги азалий дўстлик, яқинлиқни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади.

Самарқанд шаҳридаги Алишер Навоий номидаги марказий маданият ва истироҳат боғида ташкил этилган байрам тадбирларида вилоят жамоатчилиги, нурунийлар, ишлаб чиқариш фаоллари, ёшлар билан суҳбатлашиб, барчани байрам билан яна бир бор табриқлади. Самимий суҳбат чоғида мамлакатимиздаги ислохотлар, одамлар ҳаётидаги ўзгаришлар ҳақида сўз берди.

ДИЛБАР АБДУРАҲМОНОВА

Ўзбек санъати оғир жудодликка учради. Миллий опера санъатимизнинг йирик намояндаси, Ўзбекистондаги биринчи аёл дирижёр, Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофоти совриндори Дилбар Абдураҳмонова 82 ёшида вафот этди.



Д. Абдураҳмонова 1936 йил 1 май кунини санъаткорлар Гулом Абдураҳмонов ва Зуҳра Файзувалов оиласида дунёга келди. Илк муслиқий сабоқни Глиер номидаги мусиқа мактаби ўқитувачиси М.Криворучкадан олди. 1955 йили Консерваторияга ўқишга кириб, бир йўла иккита синфда - симфоник дирижёрлик бўйича М.Ашрафий, скрипка бўйича Б.Титель синфиди шуғулланди.

Талабалик давридаёқ Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри оркестрида скрипкачи сифатида иш бошлади. Дастлабки мустақил иши Тошкент хореография билим юртида қўйилган "Капельки" балети бўлди. Шундан сўнг театр жамоаси билан Сибир шаҳарлари, Москва ва Ленинградда гастрол сафарларида қатнашди.

1966 йили Қоҳира оркестрига дирижёрлик қилгани ижодкор учун ҳақиқий синов бўлди ва ўзбек аёл дирижёри халқаро миқёсда эътибор қозонди. 1969 йили Д.Абдураҳмоновага Ўзбекистон халқ артисти унвони берилди. 1974 йили театр бош дирижёри этиб тайинланган тиним билмас санъаткор янги-янги асарларни сахнага олиб чиқишга киришди. Шу тариқа "Анна Каренина", "Испан миниатюрлари", "Оламнинг яралиши", "Тановар" балетлари, "Пётр I" операси дунёга келди. Д.Абдураҳмонова бош дирижёр ва мусиқа раҳбари сифатида театрининг бадий савияси юксалишига катта ҳисса қўшди. "Фауст", "Отелло", "Маскарад", "Трубадур", "Травиата", "Севилия сарта-роши", "Пиковая дама", "Кармен", "Севги ша-рофи" каби опералар, "Боғчасарой фонтани", "Оққўш қўли", "Корсар", "Дон Кихот" сингари балетлар театр репертуарини бойлатди.

Д.Абдураҳмонова ижодий фаолияти давомида 64 та опера ва балет спектаклларини қўйди. Миллий санъатимиз ривожига қўшган ҳиссаси учун орден ва медаллар, фахрий ёрликлар билан тақдирланди. Санъаткор эришган энг катта мукофот халқимизнинг, мухлисларнинг муҳаббати ва эъти-роки бўлди. Биринчи ўзбек аёл дирижёри, санъатимиз фидойиси ва фахри Дилбар Абдураҳмонованинг порлоқ хотираси халқимиз қалбига абадий сақланиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги

Абу Бакр ҲОЗОВ, ҲАА мухбири

Табиатнинг мавжудотларга, инсонга саховати энг буюк неъмат бўлиб хизмат қилади. Ана, "Қиз кетген" ҳавзаси устида чағалайлар ҳам кўкларни, тонгни олқишлайётганда рақс тушиб, парвоз этапти. Айтганча, Нукус шаҳрини кесиб ўтган ушбу анҳор соҳилларида сўнги ишда улкан қурилиш, ободонлаштириш ишлари олиб борилибди. Атрофи ажиб хиёбонга айлантирилибди.

Ҳавзанинг дилга қутқу солувчи "Қиз кетген" номи муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг тақлифи билан "Дўстлик" номига ўзгартирилибди. Энди одамлар қачонлардир хонинг қизи сувга гарқ бўлгани ҳақидаги маталини эмас, бугунги ободлик, турмуш завоқи, бахтиёрликни ҳис этиб, файзли хиёбонда эзгу мақсадлари ҳақида режа тузади.

Юртбошимиз "Ҳақни рози қилиш учун халқни рози қилиш керак", деган тамойилни доимо илгари суради. Дарҳақиқат, ҳаётдан кўнгли тўладиган, яшаш суруридан баҳраманд, мамон инсон шукрона келтиради. Шукроналик - юрт ободлиги, шукроналик - эл турмуши фаровонлигининг мезони. Шу боми, халққа хизмат қилиш давлат учун энг юксак вазифа, инсон учун энг эзгу фазилат бўлиб қолиши керак.

Қорақалпоқ адабиётининг улкан намояндаси Бердақ Қарғабой ўғли элга эш, халқ ишига камарбаста бўлиш борасида ўтли мисралар битган:

Йилгит бўлсанг, арслондек тунилган, Хизмат қилган ҳақида шу халқ учун...

Одамлар дардига малҳам, ташвишлар барҳам тоғувчи манзилнинг файзи ўзгача бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикасидаги Халқ қабулхонаси аша шундай маскан эканини оstonадан ҳатлаб кирганингиздаёқ ҳис этасиз. Замонавий жиҳозланган кутиш зали, болалар хонаси, тиббиёт хонаси, қабуллар хонаси - барчаси рисоладагидек.

Халқ қабулхонаси мудири Ҳакимбой Ҳалимов навбатдаги мурожаат бўйича қабул жараёнида иштирок этиш учун тақлиф қилди:

Қабулхонага боқувчисини эрта йўқотган, ота-онасидан айрилган фарзандларнинг қариндошларидан ҳам кўплаб мурожаатлар келиб турибди, - дейди Ҳакимбой Ҳалимов. - Уларнинг шарт-шароитини чуқур ўрганиб, парвариси ва эътиборга муҳтож бўлиб қолган болаларни "Меҳрибонлик" уйларига яшаш учун йўналтирганмишда, муассасаларда жой тақлифлиги аниқланди. Мисол учун, Хўжайли туманидаги "Меҳрибонлик уйи"да шу кунгача тарбияланиб келаётган болаларнинг ҳаётини, оилаларини ўргандик. Буни қарангки, 60 фоиз тарбияланувчининг ота-онаси ҳаёт экан. Пушти қамаридан бўлган фарзандларининг ҳаётига, меҳрига, таълим-тарбияси ва келажагига бефарқ ота-оналар осон йўлни ташлаб бөлари учун давлат қарамоғига топши-

ХИЗМАТ ҚИЛГАН ХАЛҚ УЧУН

риб қўйган. Чин етим, тақдирнинг беаёв синовалари гирдобиди қолган норасидалар эса бундан мусову. Ота-онаси ҳаёт бўлган болаларни оилаларига қайтариш, уларнинг ўрнига чин етимлари жойлаштириш бўйича ишлар олиб бормоқдамиз.

Қизик, тақдирлар турфа! Бировлар тирликнинг азиз неъматидан баҳра-

га хуш кайфият бахш этади. Ахир, бу масканда одамларнинг ишончи қуртқазилди, балки шундан руҳинг энгил тортади...

Қабулхона мудири барваста ёшулри Эркулон оға Ражабовнинг самимий табассуми, танти феъли, хуш муомаласи билан қабулхона янада нурафшон кўринади.

Масканининг шинам кутиш залида кўлтиктаёққа таянган, истараси илқий йилгитга кўзим тушди.

- Бу инишек Жавлон, - деди Эркин оға. - Бизнинг ўғлимиз, халқнинг ўғли... Дарров танидим. Онаси билан келган экан, аҳвол сўрашдик. Қўркам йилгит, чехрасидан дардин хис қилмайсиз. Аммо бир оёғидан мусову эканини кўриб, тақдирнинг беаёв синоваларидан ўқинасиз. Жавлоннинг руҳи полвонларники каби анча тетик: суҳбатимиз самимий кечди.

Йилгит энди кучга тўлиб келаётган чоғида оғир хасталикка чалинибди. Чап ёнбош суягида ўсма пайдо бўлибди:

- 2014 йилда хасталик безовта қила бошлади, - дейди Жавлон аянчи кунларини хотирлаб. - Маҳаллий тиббиёт муассасалари Тошкентга йўлланма беришди. Пойтахтда кўп бора тиббий қўриқдан ўтдим. Кейин шифокорлар оёғимни сақлаб қололмаслигини айтишди. Энг ёмони, бу муҳдис акун топиши ҳам мумкин эди. Бу чора менга жуда оғир ботди. Хар кун дўстларим билан югуриб футбол ўйнаб, тўп тепиб юрган оёғимдан айрилишни ўйлаб, чуқур гамга чўмиб, рози бўлмадим. Сўнгги йилларда хасталик янада зўрайиб кетди. Чет мамлакатларнинг ривожланган клиникаларига боришга имкон қидирад эдик. Бунинг учун эса катта маблағ зарур... Бахтимга халқнинг дардини эшитадиган дамлар келди. Туманда Халқ қабулхонаси ташкил этилганда мурожаат этиб келдик. Бизга жиддий эътибор қаратилди, мурожаатимиз доимий назоратда турди.

ЎЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ЙЎЛЛАНМАСИ БИЛАН

Бир кун Россиядан келган машҳур онколог олимнинг пойтахтда ўтказилган кўригига юборишди. Олим чуқур тиббий кўриқдан сўнг Москвага боришимни, ўша ерда жароҳлик амалиёти ўташимни айтди. Хасталик анча илди тотиб кетган экан. Москвадаги етакчи клиникада ҳам барибир оёғимни сақлаб қолишолмади. Аммо давлатимиз, яхши инсонлар кўмағи ва эътибори билан жоним омон қолди.

Жавлоннинг кўзларида мунгни кўрмайсиз, ҳаётнинг завқини туйётган, умр лаҳзаларини қадрлаётган, йилгирма ёшида дард донишмандага айлантирган, орзулари сари ошқабётган инсонни кашф этасиз. Ўрта

ётган қорақалпоқча дилга хуш тарона ўйларимизга жўр бўлди:

Сенде ҳаргиз сағинбадильма, Баҳар сени сағиниб келди...

Бир ёни кўла, бир ёни чўл бўлмас, Жашнат қўриб берсанг-да мен бормайман. Гул ва юлғун иси анқиб турмас, У ерда мен қорақалпоқ бўлмайман.

Устоз адиб, улкан қалб соҳиби Ибрайим оға ҳам чимбойлик эди. Чимбой тумани - Қорақалпоғистоннинг йирик ҳудудларидан бири. Элу юртга камарбаста, Ватан равақига хизмат қилган кўлаб фарзандларни вояга етказган диёр.

- Бу киши Байрам Жолимбетов, - таништирди туман Халқ қабулхонаси мудири Асқар Рейимов, - оилавий қорхона раҳбари.

Байрам оға одмигина, меҳнатда, ҳаракатда тобланган ўрта ёшлардаги киши экан. Мебеллар дўконини бирга айландик. Замонавий услубда ишланган, безатилган уй ва ошхона жиҳозларининг мустаҳкамлиги, бежиримлиги, қўлайлиги кўзни қувонтиради.

- 2015 йилда яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини бошладим. Бир йилдан сўнг оилавий қорхонага айлантирдим. Фаолиятни ривожлантиришга қаттиқ бел боғладим, аммо аввалоги ишим ҳеч ривож топмади. Устига устак, ҳали солиқ идораси, ҳали санитария-эпидемиология ходими, ёнғин хавфсизлиги ходими кун ора эшиқ қоқиб келаверади... Баъзан қаттиқ жигийбйорон бўлиб, ҳаммасидан воз кечиб юборгингиз келади. Тез орада мамлакатда амалга оширилган ислохотлар кўксимизга шамол етказди. Президент Шавкат Мирзиёев томонидан тадбиркорларга очиб берилган кенг йўл ва имкониятлар ишимиз ривожланишига асос бўлди.

Корхона фаолиятини кенгайтириш, янги техника ва ускуналар ўрнатиш бўйича бизнес режа ишлаб кичдим. 2017 йилнинг февраль ойида банкка юз миллионлик кредит сўраб мурожаат қилдим. Яна етти ой давомида сарсон-саргардон қилишди. Сўнгра умид билан тумандаги Халқ қабул-

хонаси эшигини қоқиб бордим. Буни қарангки, ўн кунда мурожаатим ижобий ҳал қилиниб, маблағга эга бўлдим...

Ишлаб чиқариш цехи тумандаги кичик иқтисодий зонада жойлашган экан. Беш-олти нафар азамат йилгилар жавлон уриб меҳнат қилаяпти. Мамлакатнинг шундай бир чекка ҳудудида замонавий технологияларни ўрнатиш, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, албатта, халқнинг оғирини энгил қилиш дегани. Йўл саргардонлиги, ортиқча ташвиш тадориклардан ташқари маҳсулот таннархининг арзонлигини айтмайсизми?! Ўзга юртларда юрак ҳовучлаб юргандан кўра оила бағрида, ўз юртингда меҳнат қилиш бахтини ҳис қилиш қанчалар завқли. Байрам Жолимбетовнинг оилавий қорхонасида яратилган иш ўринларида 8 нафар йилгит меҳнат қилиб, даромад топяпти...

Юртада кадр топан инсон, чўлими, чаманми, Ватанини севиб, ардоқлаб яшайди. Элпарвар, шоир Ибрайим Юсупов каби юракдан жўшиб ятади:

Қайта тутилсан деса, юз бора, Шу мақонда топар эдим таваллуд.

Мана, қўлимда Қорақалпоғистон Республикасидаги Халқ қабулхоналарига фуқаролардан келиб тушган ва қаноатлан-тирилган мурожаатлардан мисоллар даста-даста бўлиб турибди. Кимдир асоссиз ишдан бўшатилгани, кимдир истиқомат қилиб турган ҳудуд станциясида поевзд тўхтамай ўтаётгани, яна биров маҳалласи йиллар давомида газ билан таъминланмаётгани, олисни яқин қилувчи кўприк куриш зарурати, йўл қурилиши, ичимлик суви билан таъминланиши, яна биров Мўйноқ тумани тиббиёт бирлашмаси туғруқ бўлимида ётоқ қроватлар етишмаслиги борасида, таълим кредити олиш, саломатлигини тиклаш, ишга жойлашиш бўйича ёрдам сўраб мурожаат қилган... Бу муаммоларнинг барчаси ижобий ҳал қилинишига эришилган.

Юртдошларимизнинг келажакка, эртанги кунга бўлган ишончи ортиб бораётганини улар билан кечган суҳбатлардан, жойлардаги улкан яратувчилик ва бунёдкорлик ишларидан билиб оласиз. Демак, Халқ қабулхоналари халқ ва давлат ўртасида воситачигина эмас, олтин кўприк бўлиб хизмат қилаётир.

Фахриддин ХАЙИТ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Хар бир фаросатли одам кулги деган нарсанинг мастлик эканини, хар қандай маст киши гофил бўлишини ва бор оғрик гапларни кўп гапиришини яхши билади. Зотан, бундай бекордан-бекорга кулаверадиган кишининг ё ақли жойида бўлмайди, ё эса куламан деб ишидан, рўзгоридан, номусидан айрилганини ўзи ҳам билмай қолади. Бундай кишилар бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам охир бир азоб чекиши бор.

Қайғу-ҳасрат нималигини биладиган, фикр қила оладиган киши бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам ортик қўйналмайди — иши пишиқ бўлади. Одатда, пишиқликнинг таги мўлчилик бўлади. Ҳўш, энди, агар шундай бўлса, биз доимо қайғу-ҳасратга ёр бўлиб юра олаемизми? Доимо қайғу ҳасратга ёр бўлиб юришга жонимиз тўзим бера оларми экан? Ёки, дейлик, доимо кулмай юра олаемизми? Шундай доимо кулмай юришга чидай оларми экан инсон? Йўқ! Мен, доимо қайғу-ҳасрат билан юриш керак, демайман. Аммо ҳеч қайғу-ҳасрат чекмаслик ҳам мумкин эмас. Демак, кўпроқ ана шу қайғу-ҳасратдан кутулиш учун ҳаракат қилиш керак. Қилганда ҳам — билиб қилиш керак. Чунки хар қандай ўринли ҳаракат қайғу-ҳасратни камайтиради. Шундай қилиб, қайғуни ўринсиз кулги билан эмас, ўринли ҳаракат билан камайтиради зарур!

Қайғу-ҳасрат уйига кириб қолиб, ундан чиқолмай қолишининг ўзи ҳам бир ҳалокатдир. Сен бировнинг ёмон қилигидан кулсанг — роҳатланиб кулма, ачиниб, изза бўлиб кул. Зотан, ачиниб, изза бўлиб қилишининг ўзи — қайғу-ҳасратдир. Демак, бундай ўринда ўзинг ҳам доимо кулавермайсан, албатта. Бордию, яхши одамнинг яхши қилигидан кулсанг, унинг шу яхши қиликни яхшиликдангина топганини ўзинга ибрат қилиб кул. Яхши ёмонни кўриб ибрат олмақ — ҳаётда сени йўлдан озийшдан эҳтиёт қилади. Мен ҳамма кулгилар тўғрисида гапириб ўтирмайман. Аммо шу кулгиларнинг ичида бир кулги борки, бундан худдонинг ўзи асрасин! Бу кулги худдонинг ўзи яратган жойдан — юракдан чиқмай, балки аксинча, мутлақ сохта бўлиб, ҳўжа кўрсингагина кулинади.

Хар қандай одам боласи туғилишда йиғлаб туғилади-ю, кейин ўлаётганда норози бўлиб ўлади. Шу икки ўртада дунёнинг у-бу роҳатларини тотиб кўролмай, бирининг кетига бири тушиб, бирига бири мақтаниб, не-не эсиз умрини қайдақдай бўлмағур ишларга сарф қилиб, маъносиз ўтказди-да, ўлим олдига адо бўлган олтин умрининг ҳатто бири кунини ҳам бутун бисотини, мол-дунёсини сотиб қайтариб олишининг иложини топа олмади қолди. Қувлиб ва шумлик билан кун кўриш, кўз сузиб тилмаччилик қилиш — бу бир хунарсиз итнинг ишидир. Сен агар одам бўлишни истасанг — аввало ўз гайратингга таяниб меҳнат қил, меҳнат қилсанг қора ер ҳам сендан ўз ноизи-неъматини аямайди ва сен ҳеч қачон хор-зор бўлмайсан.

Баъзан ичингдаги қайғу-ҳасрат ўзингга ҳам бўй бермай, ташқарига отилиб чиқади: бадан-баданнинг жимирлатиб, бўгин-бўгинларининг бўшаштириб, ё кўзингдан ёш бўлиб, ё эса тилингдан сўз бўлиб оқади. Мен қозокларнинг бир неча марталиб: «Э, худоб, харгиз ёш боладай беғам қилгайсан!» — деб тилак тилаганларини ўз қулгим билан эшитганман. Бундай дейишларининг сабаби: гўё улар ўзларини ёш болалардан ақллироқ ҳисоблаб, ғамгин кўрингуси келади.

Ҳўш, уларнинг ғамлари нимадан иборат? Буни уларнинг мақолларидан ҳам билиб олса бўлади: «Ярим кунлик умринг қолса ҳам, бир кунлик мол йиғ», «Ўзингда йўқ бўлса, отанг ҳам душман», «Мол — одамнинг жигар гўшти», «Моли кўпнинг — юзи ёруғ, моли йўқнинг — юзи чорик», «Эр озиги билан бўри озиги йўлида», «Эрнинг моли элда, хоҳлаганда қўлда», «Еган оғиз уялар», «Олағон қўлим берагон», «Мол топган эрнинг ёзиги йўқ», «Бойдан умидсиз — худодан умидсиз», «Қорнинг очса, қорали уйингга чоп», «Сайри йўқ қўлдан без, хайри йўқ элдан без» — деган каби мақоллари жуда кўп. Ҳўш, бу мақоллардан қандай маъно чиқади? Бундан маълум бўлдики, қозоклар тинчлик учун, илм-фан учун, адолат учун ғам эмас экан, балки аксинча, мол-дунё учун ғам чекар экан; қандай қилиб мол топишининг йўлини билмас экан; билганлари ҳам молликларнинг молини алдаб ёки авраб олиш, борди-ю унга ҳам кўнмаса, ёвлашиб олишдан иборат экан. Агар моли бор бўлса, ўз отаси билан ҳам ёвлашибдан уялмас экан. Ишқилиб ўғирлик, шумлик, тиланчилик, қўйинг-чи, шунга ўхшаш ярамас фазилатлар билан мол топса — буни айбга санамаслигимиз керак экан.

Буларнинг ёш бола ақлидан қаери ортик? Лекин қизиги шундаки, ёш бола лангиллаб олов ёниб турган ўчоқдан кўради, аммо мана булар эса дўзахдан ҳам қўрқмас экан; агар ёш бола уялса — қизариб ерга қарарди, аммо булар эса без бўлиб тураверар экан. Шуми уларнинг ёш боладан ортиқлиги? Қўлимиздаги бор молимизни улашиб бермасак, биз ҳам ўшалардек бўлмасак, юз ўғришир экан, шумиди бизга керак элу юрт?

Козокларда: «Хунарнинг боши бирликда, ризқининг боши тирикликда» — деган мақол бор. Аммо улар: бундай бирлик қандай элда қандай қилса бўлади — буни билишмайди.

Улар: от ўртада, ош ўртада, кийим ўртада, бойлик ўртада бўлса экан, деб ўйлашади. Ундай бўлса — бойликдан нима фойда-ю, камбағалликдан нима зиён? Ундай бўлса — ошна-оғайнинг йўқолмай туриб, мол топишининг нима кераги бор? Шуми бирлик? Йўқ! Бирлик — кўрангдаги молда эмас, тушунчанда бўлиши керак. Мол берсанг отаси бошқа, онаси бошқа, дини бошқа, тирикчилиги бошқалар ҳам сен билан тинч-тотув бўлаверди. Агар бирлик мана шундай ҳисоб билан ўлчанса, яъни молга сотиб олинса, бу бирлик — бирлик эмас, аблахликдир!

Дўст бўламан деган киши бер демасдан дўст бўлса, тинч-тотув яшаса, туз-насибаси-

майсан, мол топсанг ақл топмайсан. Ҳалол меҳнатинг билан эринчоқлик қилмай мол топиш учун гайрат қилолмайсан. Иш вақтида айёр, ош вақтида тайёр бўлиб, сиртинг ялтираб, ичинг қалтираб юриб, тирикман дегандан кўра — бундан худо юборган ҳалол ўлим минг марта афзал.


Бола онадан туғилганда икки турли одат билан туғилади. Бири: ёсам, ичсам, ухласам демокчиликдир, албатта; шунингдек, булар таннинг сихат-саломатлиги учун зарур ҳамдир; булар бўлмаса — танда жон ҳам бўлмайди, ўсмайди ҳам, қувватга ҳам қирмайди. Иккинчиси: кўрсам, билсам демокчиликдир. Бола ёшлигида нимани кўрса — шунга талпинади, ялт-юлт этиб қарайди, кўрган нарсасини қўли билан ушлаб, юзи-кўзига яқин олиб бориб суйкагиси, оғзига солиб тишлагиси келади. Карнай-сурнай овозини эшитса — ён-атрофига аланглаб қарайдиган бўлади. Сал каттароқ бўлгандан кейин эса, ит ҳўрса ҳам, мол маъраса ҳам, биров келса ҳам, йиғласа ҳам ўрнидан тура югуриб чиқиб қарайдиган ва: «У нима?», «У нима?», «У нега ундай қилди?», «Бу нега бундай қилди?» — деб кўзи кўрган, қулоғи эшитган нарсаларни сўрайдиган бўлади — ҳеч тин топмайди. Буларнинг ҳаммаси — кўрсам экан, билсам экан, ўргансам экан, деган табиий қизиқиш аломатидир, албатта.

Дунёдаги барча мавжуд ҳодисаларнинг сирини ҳеч бўлмаса юзакироқ бўлса ҳам билмаслик — бу одамгарчиликдан эмас. Шунга ҳам билмагандан кейин, бу одам — одам эмас, балки ҳайвондан ҳеч фарқи йўқдир...

Биз ҳали ана шу кўчимиз, қувватимиз, ақлимиз етмаган бола кезимиздаги хар нарсани: «Бу нима?», «У нима?» — деб сўрашимиз ва ҳатто шу тўфайли овақт ейишни ҳам эсимиздан чиқариб юборадиган пайтларимиз, қизиқсинишларимиз нега энди улғайиб, ақлимиз киргандан кейин ўз фаолиятини йўқотиб қўяди? Нега энди биз ўша болалик пайтларимиздаги қизиқувчанлигимизни улғайиб, ақлимиз киргандан кейин ҳам сўраб, билиб олмаймиз ва илм йўлида ишлатмаймиз?

Дунёқаршимиз кенгаярди, илм бизга жон озиги бўларди. Тандан ҳам ақл ортик, биз

АБАЙ НАСИХАТЛАР



пи худодан тиласа яхши бўлади. Акс ҳолда, туз-насибасини худодан тиламайди, меҳнат қилмайди ва бир бирига бало излайди, бир-бирини алдашнинг пайига тушади. Ҳўш, шу ҳам бирлик бўлдимиз энди?

«Ризқ — тирикликда» — дейишади. Бу нима дегани? Демак, танангда жонинг бўлса — тириклик шуми? Йўқ. Бундақа тириклик итда ҳам бор. Тирикликни шундай деб тушуниб, шу тушулча билан яшаган одам ўлимни ёт қўриб, охиратга душман бўлади. Ўз жонингизга ҳимоя қилиб, ёв тегса қочиб, кўрқок аталиб, меҳнат қилишдан бош тортиб, эринчоқлик қилиб, махсимча бўлиб юриш — бу ҳам юқориде айтилган ризққа нисбатан ноқўрлик қилишидир. Тирикликни бундай тушуниш яраммайди; ўзинг тирик бўлганинг билан кўнглинг, кўрагинг ўлик бўлса, бу тириклик — тириклик эмас, албатта; ўзинг тирик бўлсанг-у, кўрагинг ўлик бўлса — ақл топсанг мол топ-

Дўстлик бондлагн маъсу ҳушқалом, Вафо шоҳидлар Навоий мудом —

дея ўз дўсти ва ҳаммаслагига меҳру муҳаббатини билдира сўз ва ҳикмат пири Абдураҳмон Жомий.

Одам ақли билингизким, иш эмас душманлик, Ёр ўлунг бир-бирингизаким, эрур ёрлиг иш — деб жулмаи жаҳонни дўстликка чорлайди буюк мутафаккир Абдураҳмон Навоий.

Махтумқули, жон меҳмондир, гавда — лаш, Яхшига дўст кўп, ёмонга йўқ қардош — деб олам ахлини оғоҳ қилади виждон ва имон жарчиси Махтумқули — Фирорий.

Дўсти йўқ билан сираш, дўсти кўп билан сийлаш — дейди донишманд Абай.

Агар бизнинг боболаримиз Туркiston деб аталмиш умумий уйда яшаган бўлсалар, битта тилда сўйлашиб, битта тилда ёзган бўлсалар, ҳўш, нима учун биз йўқ жойдан муаммо чиқариб, бошимизни орғитишимиз керак эканми?!», дейди ХХ асарнинг энг йирик ёзувчиларидан бири Чингиз Айтматов.


Бу биттикларни ўқирканмиз, халқларимизнинг энг улуг намоёндалари, даҳо фарзандлари ҳаммисиз дўстлик-биродарликни улуғлаганини, бу борада авлодларга ўрнак бўлгани ва бизнинг ҳам эт-тирноқ бўлиб, ахил-тотув яшашимизни оруз қилганларини илғаймиз.

Афсуски, тарих гилдираги ҳаммиса ҳам бизнинг раъийимизга қараб айланмади. Ёв мафурчалари бизни имкон қадар бўлишга, парчалашга, бир-биримизга беғона қилишга интилдилар. Ва... муайян даражада мақсадларига эришдилар ҳам. Бундай ёвуз ниятли кучлар, шубҳасиз, бугун ҳам йўқ эмас.

Бугун — хар бир кунимиз турфа ўзгаришлар, ташаббуслар билан безаниб, чинахам НАВРЎЗ — ЯНГИ КУНга айланаётган чоғда, қалбларимизни бирдамлик нафаси қамраб олган паллада дунёга очик кўз, тийрак идрок ила нигоҳ ташлашимиз шарт. Зеро, жушқин янгиликни кайфияти бугун нафақат юртимизни, бутун Марказий Осиё мамлакатларини қамраб олган десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз. Ва гурур билан таъхидлаймизки, бу жараён айнан Ўзбекистоннинг очик, дўстона сиёсатидан, ўзаро манфаатли, ҳаётбахш ташаббусларни ўртага ташлаётганидан куч оляпти.

Узоққа бормасдан, ўтаётган март ойидаги муҳим воқеаларга назар ташлайлик: Президентимизнинг Тожикистонга қилган давлат ташрифи, Остона шахрида бўлиб ўтган Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарларининг илк маслаҳат учрашуви ва Қозғистон Президенти Нурсултон Назарбоевнинг Наврўз байрамини Самарқандда қарши олгани, пойтахтимизда Афғонистон бўйича «Тинчлик жараёни», хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик мавзусида халқаро конференция ўтказилгани — қандай буюк тарихий эвришиллар даврида яшаётганимизни кўрсатиб турибди.

Бу ўзгаришлардан Марказий Осиёда яшаётган барча халқлар бирдиги мамнун бўлмоқда. Оммавий ахборот воситаларидаги ҳажжонли чиқишларни кўриб кўнглинг вешнайди. Айниқса, интернет сайтларидаги материаллар остида оддий фуқаролар қолдираётган изох ва муносабатларни ўқиб, хурсанд бўлиб кетасан: уларда кўпчилик давлатларда яшаётган қардошларимизнинг Ўзбекистонга, халқимизга, давлатимиз раҳбарига бўлган самимий меҳри,



ана шу ақлга танни бўйсундиришимиз керак эди. Йўқ, биз бундай қилмадик, бундай қилиш бу ёқда турсин, ҳатто хар қайсимиз ўз овулимиз атрофидаги машамшалардан нарироқ узоқлашиб чиқа олмадик. Ақл-идрок бизни ёш кезимизда ўзига тобе қилиб юрган экан, ёшимиз улғайиб, таннимиз кучга тўлгандан сўнг, биз ақл кўрсатган йўлдан юрмадик. Ақлни танга қарам қилиб қўйдик, ҳеч нарсга кўнгил қўймадик, кўз билан кўрмадик, кўнгил айтиб турса ҳам — унга ишонмадик. Кўз билан кўрган нарсаларимизни юзасинигина кўриб, унинг ичида нима бор, нима йўқлигига қизиқмадик, уни билмаган кишини бир нарсаси камайиб қоладими, дедик. Биров бизга ақл ўргатса: «Ўз билганинг — ўзингга, ўз билганим — ўзимга?», «Киши ақли билан бой бўлгунча, ўз ақлинг билан ёрли бўл» — деган, деймиз. «Бо худо, кимдан ким ортик экан!» — деймиз-у, ортик эканини билмаймиз, билганлар айтса — ишонмаймиз.

Қалбимизда шуъла, кўнглимизда ишонч йўқ. Фақат кўзимиз билан кўраимиз-у қаноат ҳосил қиламиз. Ҳўш, бизнинг ҳайвондан нима фарқимиз бор? Қайтанга ёш пайтимизда яхши эканмиз: хар қалай тушунсак-тушунмасак билсак экан, кўрсак экан, деб қизиқувчи одам боласи эканмиз. Энди шу кунларда ҳайвондан ҳам ёмонмиз. Ҳайвон ўзи ҳеч нарсани билмайди, билишга қизиқмайди ҳам. Энди биз-чи, биз ҳам ўзимиз ҳеч нарсани билмаймиз-у, лекин кези келганда, бизлар ҳам биламиз, деб нодонлигимизни билимдонликка йўйиб, ўлган-тирилганимизга қарамай, қизаришиб-бўзаришиб бўйин томирларимизни бурттириб талашамиз.

Носир ФОЗИЛОВ таржимаси

ЎЗБЕК, ҚОЗОҚ, ҚИРГИЗ, ТОЖИК, ТУРКМАНИМ...

миннатдорлиги, эҳтироми акс этипти.

Демак, ағёрлар хар қанча уринмасин, қондошлик ришталарини уза олмаган экан-да. Не толеки, қўнча тарихий хотирамиз яна уйғониб, барчамиз битта, яхлит халқ эканимизни идрок этилгимиз. Ўтмишимиз, бугунимиз ва келажагимиз ягона эканига астойдил иқдор бўлялгимиз. Нимагаки эришсак, ҳамжиҳатликда, бирликда эришишимиз мумкинлигини теран англаб етлялгимиз.

Бугун — оғизбирлик, ақдилликни улуғлаб, шу йўлда курашиб ўтган боболаримизнинг руҳлари шод бўлаётган кун. Бугун — томирларимиздаги туғишганлик, жигарбандлик қудрати бор бўйи билан ўзини намоён қилишга чоғланган палла.

Бугун — миллатнинг зиёли вақиллари яловбардор бўлиб, халқларимизни янада қиспаштиришга бор кучини, истеъдодини сарфлайдиган пайт.

Зеро, руҳлар, қалблар, мақсадлар яқдил бўлса, бизни ҳеч қандай куч ажрата олмагай!

Менинг куйидаги шеъримни шу йўлдаги кичик бир уриниш деб қабул қилинг.

БЕШ ГАНЖ

Дунё — инжа гулли, ранго-ранг гилам, Бир хилдир дилдаги рамзу нақшимиз. Бир дарёни кешиб Гўрўгли билан, Бир қўшқини қуйлар ўзан! бахшимиз, Махтумқули байти — маъғим мания, Ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик, туркманим.

Мушт бўлиб тутилган ёндош беш бармоқ, Мардлги минг дoston, афсона бўлган. Ясавий издан Ҳақ сари бармоқ Йўлда табарруқ остона бўлган, Абай ўлавлари — тўзимас боғим, Ўзбек, тожик, туркман, қирғиз, қозоғим.

Жонимиз туташдир олам жонига, Заминга тоғлардай отганимиз томир. Ҳазрати Жомийнинг кутлуд жомига Оби ҳаёт қуйай мўйсафид Помир, Чапмадай мусаффо, бағри очиним, Ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, тожиким.

Дўстлар шарафига тўшалган кийиз Момолар бостирган ширдоқдай маҳкам. Манасдай забт этди ўзга бир Чингиз Чингизхон етмаган юракларини ҳам, Покиза ҳислари — тоза қимизим, Ўзбек, туркман, тожик, қозоқ, қирғизим.

Беш ганждек тизилган бу ноёб ҳалқа, Буюк Навоийнинг беш достонидек. Не бахтки, мансубам шу улуг халққа — Фитналар захмига қўя олган чек, Абдий дўстликдан мансу сўз дегум, Туркман, тожик, қирғиз, қозоқ, ўзбегим!

Нодир ЖОНУЗОҚ

1 Ўзан — бахши (туркманча). 2 Ширдоқ — қирғиз бостирма гилами.

СЕВГИ ШУНДАЙ НАВБАҲОРКИ

“Эркин Воҳидовнинг илк ёшлик ижодиде яхлит афоризм шаклидаги шеърлари бор... Булар бари замондошлар хотирасига ҳаёт ва тириклик йўриқлари каби мангуга нақшланиб қолган. Уларни биз мақол ёки матал тарзидаги афоризм эмас, балки шоирона афоризм деб атасак балки ўринли бўлади”. Бу сўзлар таниқли адиб Иброҳим Гафуровнинг кучи-кеча китобхонлар қўлига етиб борган “Бахрдан бахралар” номли китобига ёзган “Улуғ издошлик тафаккури” номли сўзбошисидан олинди.



Махтумқулидан Ўзбекистон Қахрамони, Халқ шоири Эркин Воҳидов асарларига ҳо бўлган ҳикматлар ўрин олган. Масалан, “Муқаддас туйғулар” деб номланган илк бўлимда “Ватан”, “Эрк истаги”, “Фидойиллик”, “Эътиқод”, “Гўзаллик”, “Муҳаббат” каби бир неча кичик сарлавҳалар остида шоирнинг турли даврда ёзилган асарларидан номларга мос фикрлар дурдек терилган. Китобдаги “Ҳазрати инсон”, “Тақдир ва фурсат”, “Адабиёт ва тил” номли сарлавҳалар остида берилган сатрларда ҳам фақат устоз Эркин Воҳидовгагина хос гўзал ва бебаҳо ҳикматларни ўқиш мумкин. “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан чоп этилган ушбу рисоладаги ҳикматларни Темурут Мирзаев ва Рустам Мирвоҳид тўплаб, нашрга тайёрлаган.

ҲАЁТ ВА КИТОБ ЎРТАСИДА

Бизга ўз ватани, халқига садоқатли, ўзга жаннатни эмас, балки ўз юртида жаннат бўлишини истаган, шу эзу мақсад учун курашга ҳозир фидойилар керак. Халқнинг қаддини у яратган моддий неъматинга кўтармайди. Халқ улуг фарзандлари билан улуг. Тасаввуримда хар янги авлод вояга етганда халқ унга умид кўзи билан қарайди: қадримни бир поғона юқорига кўтарадиган фарзанд шулар орасида бормикин?

адбнинг элга қилган бир мурожаатида бутун — бутун кутубхоналарнинг кудрати бўлади.

Одамлардан «бугун нима қилдинг?» дебгина эмас, «эрта учун, келажак учун нима қилдинг?» — деб ҳам сўраш керак». Она ўз фарзандини суйса, парвариш қилса, биров олдида ҳисоб бериш учун ёки бирор қақирққа жавобан қилмайди.

Санъатнинг моҳияти, адабиётнинг санъат деб аталмиш моҳияти — тўғри сўзни тўғри айтиш эмас, балки гўзал қилиб айтиш.

Инсон табиатининг, маънавий дунёсининг поклиги учун курашга бурчли бўлган нарсаси — адабиёт. Ҳеч нарсаси инсонни адабиётчилик тарбия қилолмайди.

Бизда шундай шоирлар борки, номини ҳамма билади-ю, бирор сатрини кимса билмайди. Бундан кўра, номи ўчиб кетса ҳам, бир байти эл орасида қолгани аълодир.

Адабиётда қадимдан бир қоида бор: янги ёш авлод кириб келмагунча, уни авлод сифатида эл қабул қилмагунча сўнги бўғинга мансуб бўлганлар сочи оқарса ҳам ёш авлод бўлиб қолаверди.

Ҳаётнинг моҳияти унинг яшаш учун

Маҳорат мактаби

Инсоннинг инсондан, сўзинг сўздан фарқи бор. Олим сўзи охи ва фикратга, шоир сўзи қалб ва хиссиётга қаратилган бўлади. Шунинг учун ҳам барча оқил сўз шеър бўлмагандек, барча шеърый сўз ҳикмат бўлавермайди.

Буюк мумтоз адибларимиз бизни камтарлик, хокисорлик руҳида тарбиялаганлар. Лекин ҳеч қачон тўғрисиқликдан қайтарган эмаслар. Бошинга қилич келса ҳам тўғрисиқни айт, яхши дўст инсонга кўзгу, кўзгуга қараб уф торتما, оқинг ховуридан у хиралашай, айбингни кўрсатмай қўяди, деган ҳикматлар бизга уллардан меросдир.

Ҳаётнинг моҳияти унинг яшаш учун


... ёзувчининг жамият олдидаги хизмати ҳеч қачон ёзган асарларининг микдори билан ўлчанган эмас. Баъзан шоирнинг тўрт сатр шеърисида,

Бошланиши биринчи саҳифада.

Иккинчидан, Қаландар ака сўзбошида: "Мен шеърят ихлосманди сифатида Абдулла Ориповнинг Тошкент давлат университетиде таҳсил олаётган пайтдаги илк шеърларидан бошлаб уни бутун дунёга машҳур қилган асарларигача...

меҳридан, Ўзбекистонимиз тимсолидан айри тасаввур этиб бўлмайди. Тўртинчидан, "Қасб-коримиз турлича бўлса ҳам, Абдулла Орипов билан қалин дўст, маслакдош эдик" (5-бет), дейди китоб муаллифи. Бу чин икромга қўшимча сифатида Абдулла ака ва Қаландар ака сафардош ҳамроҳлар бўлганини ҳам эслатиш ўринлидир. Чунки халқимизнинг: "Дўст сафарда синалади", деган пурмаёно нақли бор. Бу икки ҳамсафарнинг дўстлиги сафардан-сафарга мустаҳкамланиб борганига гувоҳ бўлганман.

раҳмонов таклиф этилгани бежиз эмас. Айтиш керакки, XIII асрда Европа маданий тарихидан янги саҳифа очган буюк италян шоири, италян адабий тилининг асосчиси, Фарб Уйғониш даврини, италян адабий тилининг асосчиси, Фарб Уйғониш даврини, италян адабий тилининг асосчиси, Данте қаламига



Қ.Абдураҳмонов ана шу бетақдор лаҳзаларни, шоирнинг ижодий лабораторияси билан яқиндан танишув жараёنларини изчил қайд этган. Шунингдек, китобнинг "Умрбоқий истеъдод" фаслида Абдулла Орипов ижоди ҳақида атоқли шоирга замондош бўлган ўзбекистонлик ва хорижий машҳур адиблар, таниқли давлат ва жамоат арбобларининг эътирофига йўғрилган дилсўзлари асосида теран мушоҳада юритилган.

"Шоирлик қисмати бирга кўтарганлар" номли фаслда шоҳ асарлари билан ўзбек шеърятининг бутун бир даврига асос солиб, миллий адабиётимиз саҳифаларига номларини зарҳал харфлар билан битиб кетган икки ардоқли шоиримиз Абдулла Орипов билан Эркин Воҳидовнинг уйқаш қисмати ҳақида сўз юритилган.

"Муносиб шогирдлар" фаслида устоз изидан бориб, миллий шеърятимизда ўз муносиб ўрнига эга бўлган шоирлар ижоди қаламга олинган бўлса, "Мен нечун севаман Ўзбекистонни?" номли фасл эса Абдулла Орипов она юртимиз - Ўзбекистонни нечоғли баланд пардаларда ва юксак мақомларда тараннум этгани хусусидадир.

Хулоса қилиб айтганда, академик Қаландар Абдураҳмоновнинг "Буюклар қажашонида" китоби содда ва раван тилда, тушунарли ва таъсирчан услубда ёзилган. У замонавий матбаа мезонларига асосида дид билан чоп этилган, улғунсонларнинг дил сўзлари ва ранг-баранг суратлар ҳавола қилинган асар моҳиятини мазмунан тўлдиришда алоҳида аҳамият касб этган. Абдулла Орипов ҳаёти ва фаолиятининг муҳим саналари ҳамда атоқли шоир асарлари рўйхати берилгани ҳам диққатни тортади.

Акмал САИДОВ, академик

Абдураҳмон ЖОМИЙ "ҲОЖАТМАНДЛИК ИЗҲОРИДАН СЎНГ..."

АЛИШЕР НАВОИЙГА МАКТУБЛАР



Ҳожатмандлик изҳоридан сўнг, арзимиз шулки, ушбу ихлос мактубини элтувчи жаноби Хожа Қосим яхши одам кўринади, унга нисбатан бир зулм ўтказилмоқдаки, чунончи, унинг қўлидаги ҳужжат шунга гувоҳ бўлади. Илтимос шулки, иноят кўрсатиб, илтифоти шарифингизни дариг тутмасангиз ва бу ишинг тағига чуқур етсангиз. Уша зулм ўтказган шахс ҳозир шу шаҳарда экан, агар улар орасидаги муомалани ҳал этиш учун бирор йўл тутилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Сизга (Оллонинг) кўмаги ёр бўлсин! Вассалом!

Фақир Абдураҳмон ЖОМИЙ

Ҳожатмандлик изҳоридан сўнг, арзимиз шулки, мазкур (хат) соҳибаси бўлмиш аёлнинг айтишича, унинг эрини бир муҳим ишга юборган эканлар, касал бўлиб қолибди. Шу сабабли ўша муҳим (ишинг бажарилиши)да нуқсон юз берибди. Ҳозир ўша нуқсон учун уни қамалб қўйишибди. Илтимос шулки, агар иш ростдан ҳам шундай бўлса, иноят кўрсатиб, илтифот қилсалар, токи ўша мусулмонга ҳалослик ҳосил бўлса. Сизга (Оллонинг) кўмаги ёр бўлсин. Вассалом!

Фақир Абдураҳмон ЖОМИЙ

Ҳожатмандлик изҳоридан сўнг арзимиз шулки, жаноб мавлоно Алоуддин Али Қушчининг ахли оиласи Самарқанддан (Хиротта) етиб келдилар ва унинг орқасидан бормоқчилар. (Улар) йўл нишонига муҳтождирлар. Сиздан илтимос шулки, иноят кўрсатиб, бир ҳаракат қилсангиз, чунки улар тезроқ (оталарига) етиб олишни истайдилар. Сизга (Оллонинг) кўмаги ёр бўлсин!

(Жомий дастхати)

Ҳожатмандлик изҳоридан сўнг арзимиз шулки, жаноби Мавлонозода Шаҳрисабзий ва мавлоно Абу Юсуф кекса, донишманд ва фақир кишидилар ҳамда тўлиқ қаноат эгаларидурлар, озгина нарсаси билан машаққатлари ўтиб туради. Илтимос шулки, шафқат кўрсатиб, ҳаракат қилсалар, то вақфдан улар учун арзимас нафақа тайин қилинса айни муддао бўлур эди. Сизга (Оллонинг) кўмаги ёр бўлсин!

Фақир Абдураҳмон ЖОМИЙ

Унинг номи билан ва Унга мақтовлар бўлсин! Шамол эсди, шавқим топди ҳаяжон, Қўзимдан қонини айледи равои. Муштоқлик меҳнати, фироқ раижидан, Сўз айтдим, ўзгасин қиёс қил бу ои! Хар вақт Сизнинг азиз хатингизга жавоб ёзай деб қалам тарошлаганимда ҳеч бир сўз тополмайманки, уни неча марта айтмаган ва неча марта қўймаган бўлсам! Тақрорлашдан маълум етказмаслик учун, мухтасарликка риоя қилиб, қисқалиқ йўлини тутаман. Ҳажрингдан ҳар қачон менга етса дард, Рубоний ёзаман ё битаман фард. Сувуқ нафасимдан кўркаман гулдех, Нозик хотирингга етмаса деб гард.

Ҳожатмандлик изҳоридан сўнг арзимиз шулки, жаноби Амир Алоуддава айтадиларки, мен бир фақир кишиман, диёнатсиз ҳам эмасман, ноқобил ҳам. Шўни илтимос қиладиларки, Сиз иноят кўрсатиб, у кишига тегишли нишон тезроқ имзоланишига ҳаракат қилсангиз, чунки унинг оиласи солиқ йиғувчининг қўлида (гаровда)дирлар. Сизга (Оллонинг) кўмаги ёр бўлсин! Вассалом!

Фақир Абдураҳмон ЖОМИЙ

Хиротнинг қибла томонида зулму таадий юз бермоқда, деб бундан аввал ёзилган эди, (энди) ажратиб кўрсатишнинг ҳожаги қолмади, бу воқеа ҳамма томонга ёйилди: Уша ой чиройи топганда камол, Шум ният рақиблар дастидан бу ҳол, Жаврдан лиқ тўлмиш, жафодан лим-лим, Шарқ ила Фарб ана Жанубу Шимол! Аммо юқорида ишора қилиб ўтилган дуо ва тилак воқеасига келсак, (бало сўраш) дуосига Нўх зарурки, «Эй парвардигор, ер юзиде (жафокорларни) қолдирмагин!» дея, ҳеч бир диёрда бу зулмкор тоифадан (бирортасини) қолдирмас эди. Тилакка эса жафокашлар ҳуқуқини жафокорлардан олиб бера оладиган илоҳий илтифот соҳиби (бўлмиш киши) даркор! Ҳозирги пайтда бу ҳар иккови мавжуд эмас ва бу амалга ошириб бўлмас ишлардан саналади! Муруват қўланкиси кенг ёйилсин, марҳамат ва шафқат сояси давомли бўлсин! Вассалом!

Фақир Абдураҳмон ЖОМИЙ

Эй сен, муслимликни мусаллам этган, Муслим омонлиги сенгадир армон. Исломининг биринчи руқнидан ўзга, Беш руқини жўнатиб турибман бу он. Жонимга шунчалар қатишганки у, Жудо бўлолмаман ундан бир замон! Шундан кейин, арзимиз шулки, «Нафаҳот ал-унс мин ҳазарот ал-қудс» китоби жумласидан ёзилган ва текшириб солиштирилган бир неча жузв(қисм) Сизга юборилмоқда. Барча ҳиммат қолган қисмини ёзиб тугатиш ва юборишга қаратилган. Завқингиз машоми «Нафаҳот ал-унс» хидидан абадий баҳраманд бўлсин ва шодлик лаби «Ҳазаротиқудс» нуридан табассумга тўлсин! Вассалом вал-икром!

(Жомий дастхати)

«...ЛОЛАИ НЎЪМОН КЎРУНГ»

Ҳазрат Алишер Навоийнинг аксар ғазаллари замиридаги ботиний ишқ жараёни қанчалик камол топгани сари унинг қатида ранго-ранг суратлар партавлана боради. Аслида мумтоз адабиётда ишқ бесурат ҳам тасаввур этилаверди: "Ишқ суратсиз нечун тасаввур этилмасин?... Ҳатто суратни ишқ майдонга келтирди ва ундан юз минглаб сурат ҳосил бўлди. Булар айни замонда рўёбга чиққан, шакли шайошай олган суратлардир" (Румий). Улуғ шоир асарларидаги бундай ғазаллар зоҳирий ва ботиний бадий қайфият уйғунлигининг маҳсули бўлиб, уларнинг аксари ҳасби ҳол рўҳида ёзилган. Албатта, ботиний ишқ Холиқ ва унинг бандаси ҳақиқатини кашф этиши баробарида, хоҳ ўз даври воқеалари, хоҳ мозий сабаблари мисолида бўлсин, уларга уйғун тарзда камол тонади. Уларнинг ҳеч бирини бир-бирдан айро тарзда тасаввур қилиб бўлмайди! Кўринадики, ботиний ишқ дарди чек-чеғарасиздир. Чунки шоир умрининг сўнги йиллари ёзилган асарларида ҳам бу тавр мужассас: "Яна "Фавоийд ул-қибар" ("Кексаллик фойдалари") девони, уни ҳаёт охирида замирим хомаси - ҳаёлим қалами Чин расоми устахонасининг ҳасади ва жаннат раиши келадиган қилибдики, унда катталарга фойдаларнинг тоза сувиши етказибман ва ҳаваслари шувласига насихатлар сувидан сув урибман...". Энди ана шундай ғазаллар сирасига кирувчи «Фавоийд ул-қибар»нинг 343-ғазалини тўла келтирамиз:

Тоза доғ атрофида жисимда тим-тим қон кўрунг, Дарду ғам тоғида, ваҳ-ваҳ, лолан Нўъмон кўрунг. Нафий қилганлар қуруғ жисим ҳалоку заъфини, Танга кўнглумдин тиралган ҳар тараф пайкон кўрунг. Халқ йиғлаб туфроғим бошида юз ҳасрат била, Уқларин ҳар ён таним омончила халлон кўрунг. Ғам туни юммас кўзум давринда киприк хайлини Саф чекиб, кўзинг қорарган ҳолига ҳайрон кўрунг. Ипқин этканлар ҳавас, ийнак бу тухматдан мени, Боғлаиб бўйум фано бозорида, урён кўрунг. Чарх баҳри нақдини қилган таманно зарралар, Меҳр ғаввосин бу игрим ичра саргардон кўрунг. Уқларидиқур Навоий жисми меҳнат гулбуни, Гулар ийнак тоза қонлиг доғидин ҳар ён кўрунг.


Ушбу етти байтли ғазал замирида ботиний ишқ бағридаги меҳр пинҳон. Буни ғазал ботинидаги пурмаёно рамзалар инкишофисиз тушуниш мушкул. Илло, киши ишқ боис чинакам манавий ҳаёт завқини, аниқроғи, ижод шавқини ҳис қилади. Энди байтлар шарҳига ўтайлик.

Тоза доғ атрофида жисимда тим-тим қон кўрунг, Дарду ғам тоғида, ваҳ-ваҳ, лолан Нўъмон кўрунг. Мумтоз адабиётда доғ сўзи "куюк", "куйган жой"; "қоралик"; "қиздирилган темир билан инсон ёки ҳайвонлар танасига босилган белги", "нишон", "нақш", "из", "жароҳат", "ғам-андух", "қайғу алам" сингари маъноларда келади. Тим сўзи эса, "томчи", қатра; "катта қарвонсарой", "усти ёпиқ бозор", "раста"; "ғам", "андух" сингари маъноларда келади. Байтда эса, доғ ва тим сўзларини бадий маъно оламидаги чексизлик жараёни сари қўлланилган тушунчалар дейиш мумкин. Биринчи мисра ҳасбу ҳол рўҳида ёзилган. Мазмуни қўйидагича: жисимдаги янги жароҳат атрофида пайдо бўлган қатра-қатра қонни кўринг. Бу худди дарду ғам, яъни гўё ғам тоғи теварагидаги лолан Нўъмон(қизил лола)га ўхшайди. Матлаънинг ботиний маъноси эса қўйидагича: чуқур қайғулар боис кўнглумда ғам-андух усти ёпиқ бозордаги шовқин мисоли ҳаракатланади. Бу гўё асрлар давомиде шакланган дарду ғам тоғининг оҳ-нолалари туфайли унда пайдо бўлган қизил лола аъмолига менгашдир. Нақадар гаройиб ташбиҳ! Бу матлаъда шоирнинг бағоят бир ички сукути ҳукм суриб, бу тарз унинг бутун мазмун-моҳиятини, аниқроғи, чин ошиқнинг ботиний аҳволи рўҳиясини яққол намён қилади. Аммо ушбу байтда тажохул ул-ориф санъати қўлланилганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, унинг замирида яна бир бошқа маъно ҳам борлиги маълум бўлади. Атоуллоҳ Хусайнийнинг ёзишича: "Тажохул ул-ориф андин ибораттурким, сўзлагучи бир нимани билур, аммо бир нукта била ўзи билмаганда қурустур. "Мифтоҳ" соҳиби бу санъатни суку-маълум масоқа ғайрих, яъни маълум сўзни номалум ўрнида юрutmак деб атаптур ва дептурким, мен бу санъатни тажохул деб атамоқчи севмасмен, сабаб улдуким, Тенгри таолонинг каломида воқеъ бўлтурдур, Оллоҳ, тоборака таоло дептур: инна ав иййакум лаъала худан ав фи залалин мубин, яъни ҳақиқатта биз ё сиз хар ҳолда тўғри йўлдамиз ё йўлдан очиқ озганмиз. Бу оятгаи маълумни номалум йўл била ифода эткан нукта куфр ахлига арз этилмиштур"(Атоуллоҳ Хусайний. Бадойеъ ус-санойиъ. Таржима, изох ва шарҳлар муаллифи Алибек Рустамов. Т., 1981, 132-

бет). Яъни байтда доғ ва тим сўзлари лолан Нўъмон орқали ўзаро боғланади. Мумтоз адабиётда Нўъмон турлича талқин этилган: масалан, араблардаги Тоиф шаҳри яқинидаги дарёнинг номи деб ҳам фараз қилинган. Лекин форсий луғат манбаларга кўра, Нўъмон подшоҳ бўлиб, у аслида тоғдан лола келтириб, парварши қилгани учун унга лолан Нўъмон деган нисбат берилган. Ҳақиқатан ҳам, ўтмишда шундай нисбатли шахс бўлган.

НАВОИЙ ГУЛШАНИ

Тарихий манбада қайд этилишича, бу тарз шундай рамзий тус олади: ажам мулкида Яздижид Бинни Баҳром деган бир золим подшоҳ бўлиб, у саккиз йил деганда бир ўғил фарзанд кўради,



лекин неғадир ўғлини ўша подшоҳ Нўъмон бинни Мунзирга топширади. Нўъмон унинг ўғлини, яъни Баҳромни худди тоғ лоласи сингари хушқаво ерларда яхши тарбия қилган. Кейинчалик, аниқроғи, отаси вафотидан сўнг Баҳром Нўъмон ёрдамида золим отаси подшоҳлигини қўлга киритади. У отаси бузган ишларни тугади ва мамлакатда адолат ўрнатади...("Тарихи мулуки ажам"). Шоир умидича, Хусайн Бойқаро ҳам гўё шундай йўл тутганда эди, балки унинг мамлакатни келажаги ҳам ана ўшандай тоза бўлоқ сувиши ичиб унган тоғ лоласидек қобил фарзанд қўлига ўтган бўлар эди. Эҳтимол шундандир, улғун шоир ушбу ғазални битаётганда унинг

тахайюли бир муддат "Маҷолис ун-нафоис"нинг VIII мажлисида шоҳ ва шоир Хусайн Бойқаро ғазалларидаги ўзи шарҳлаган бир байт таҳлили сари ўрлашган бўлса, не ажаб: "Манзуринг лаби табассумини ва ўзини қоналгон доғини гўнчаи хандон ва лолан Нўъмонга ташбиҳ қилибдур ва маънисини шеър саноеъидин "тажохул ул-ориф" услубида хуш воқеъ бўлбурт: Айлади лаъли табассум, гўнчаи хандон эмас Доғини кўнглум қонати, лолан Нўъмон эмас.

Бу санъат иштирокидаги ғазалнинг биринчи байтида ҳайрат изҳор қилинса, иккинчи байтида мадҳ муболағаси, учинчи байтида зам, яъни жамлаш ёки ташбиҳ, тўртинчи байтида ҳамранглик ёки маломат ва қолган байтларида ҳам ана шундай хусусиятлар ифодланади: Нафй қилганлар қуруғ жисим ҳалоку заъфини, Танга кўнглумдин тиралган ҳар тараф пайкон кўрунг. Байтнинг қисқача мазмуни: эй рад қилувчилар ахли, агар қуриган жисимнинг заифлашиши ёки фано бўлишини кўрмоқчи бўлсангиз ҳар тарафдан танамга тиралиб турган камон ўқларига боқинг. Халқ йиғлаб туфроғим бошида юз ҳасрат била, Уқларин ҳар ён таним омончила халлон кўрунг. Байтнинг мухтасар мазмуни: халқ бу оламдан ўтганидан сўнг туфроғим бошида юз ҳасрат билан йиғлайди. Аслида, кўксим гўё азалдан ўқ отиб мадҳ қилиш учун бир нишон бўлганлигини билишгач, яъни ҳар тарафдан кўксимга йўналтирилган ўқларни кўришгач хандон отиб қулишади.

Ғам туни юммас кўзум давринда киприк хайлини Саф чекиб, кўзинг қорарган ҳолига ҳайрон кўрунг. Байтнинг умумий маъноси шундай бадий тафаккурни тақозо қилади: андуҳ туни, яъни кўнглум ўша ғамга ботган қоронғу тунда гўё кўзим теварагидаги мижгон гуруҳлари бу аҳволдан оғоҳлиги боис мижжа қоқмадим.Шунда улар, яъни киприклар тўдаси гўё аскарлардек саф тортиб, ғамдан қорайиб торайган кўзимнинг бу маҳзун ҳолатига лолу ҳайрон боқишди. Ишқин этканлар ҳавас, ийнак бу тухматдан мени, Боғлаиб бўйум фано бозорида, урён кўрунг. Бунда Навоий шундай бадий тафаккурни илгари суради: ёр ишқини ҳавас этганлар шу ишқ боис, яъни зиммамдаги ана шу оғир савдо туфайли мени фано бозори қўйида иложсиз, имконсиз холи қолганлигимни кўриб таажубландилар. Ёки маъшуқа ишқини ҳавас этганлар шу ишқ боис, менинг гарданим фано бозорида иложсиз, имконсиз яланғоч қолганлигимни кўриб қаттиқ таажубландилар.

Чарх баҳри нақдини қилган таманно зарралар, Меҳр ғаввосин бу игрим ичра саргардон кўрунг. Байтнинг умумий мазмуни: аслида, даврон қиммат-баҳо ҳазиналарга тўла денгиз ашёларини орзу қилганлигига сабаб зарралар — нурадир. Агар ана шу нурад денгизни ёритмаганида эди, кишилар бу гўзаллик сирларидан воқиф бўлмас эдилар. Уни орзу қилишга ҳожат қолмас эди. Меҳр ғаввоси, яъни сув ичига шўнғиган ёки балқиган қуёшнинг ўзи эса, гўё ҳеч нарсадан беҳабардек бу гирдоб ичиде сарсон-саргардон бўлиб юрганини кўринг! Уқларидиқур Навоий жисми меҳнат гулбуни, Гулар ийнак тоза қонлиг доғидин ҳар ён кўрунг. Мақтаънинг қисқача маъноси: ўша ўқлардан Навоий жисми гўё дард гулларига айланади. Бунинг бари, яъни шу умид гулларининг униб-ўсиши худди шундай бағоят даражада покиза қонлик сирли доғ туфайлидир. Умуман, ғазал, хусусан, ундаги ишқ ва сурат образлари замиридаги ботиний тўйғу, тимсолларнинг беназиру бетақдорлиги кишини ҳайратга солади. У ботиний ишқ маъноларига бойлиги, суратан эса, ишқ йўлида бетимсол қиёсийликни ўзида жо этган гўзал бадий тафаккур жараёни сифатида Ҳазрат ғазалиётда муҳим ўрин тутди. Бу ғазал китобхон тасаввуриде ишқни сурату суръатлантириди ва унинг тафаккур тарзида янги гича бир эврилиш пайдо қилади.

Манзар АБДУЛХАЙРОВ, филология фанлари номзоди

Маҳмуд САЪДИЙ тайёрлади.

ҲАЁТ ВА РУҲИЯТ ТЎЛҚИНЛАРИ


Таниқли бастакор Икром Акбаровнинг ижодига бир назар

Икром акам ҳақида ёзиш ҳам осон, ҳам қийин. Ҳар сафар ёдимга тушганида тим қора рангдаги рояль клавишларини навбатма-навбат босиб, ижодхонадан майин, нозик куйларни атрофга таратаётган композиторнинг илҳомбахш қиёфаси кўз ўнгимда жонланади. Бу ижодкор бадий сўз усталари билан ҳам, мўйқалам соҳиблари билан ҳам, мусиқа шайдолари ва усталари билан ҳам доимо яқин мулоқотда бўлиб келганини кўрганман. Жуда кўп суҳбатларида бўлганман.

Суҳбат онларида баландпарвоз гаплар айтилмас, ҳазил-мутойиба, танқидий мулоҳазалар янграрди. Кулги қаҳ-қаҳага айланар, созанда сифатида барчага завқ улашаётган композитор бир зум бўлса-да, орзу қанотида парвоз қилар, шу дамда бастанган нафис оҳанглар ижодхонага, катта хонадоннинг наъматак ва анор гуллари, мевалари билан безанган файзли ҳовлисига тараларди. Шунда шоир Туроб Тўла: "Икром ҳадеб ёзади, Мутаваккил (Бурҳонов) ҳеч ёзмайди", дер, бу билан барчамиз севган Туроб акамиз Икром Акбаров мусикали драма яратиш даъвоси билан ёзилган пьесаларга ҳам мусиқа басталанидан ҳайратга келишимни билдирад, Мутал Бурҳонов Навоий операсига қачонлардан буён нуқта қўймаётганини эслатарди. Ботир Зокиров эса вазиятни юмшатиб, қандайдир воқеани айтиб барчани қулдирарди.

— Кунни кеча Москвадан келдик, — дея гап бошлади у бир кунни. — Ҳамроҳларим орасида шахар маданият бошқармасининг бошлиғи ҳам бор эди. У ҳар оқшом меҳмонхонада елим-югуриб, дўконлардан харид қилган молларини мақтаниб кўрсатарди. Бир кун уни театрга боришга зўрга кўндирдик. МХАТга бордик. Спектакль тугаб, парда ёпилган, артистлар таъзимга чиқди. Гулдурос қарсақлар томоша залини ларзага келтираётган пайтда ҳалиги бошқарма бошлиғи баланд овоз билан: "Ботиржон, бу ижрочиларнинг қайси бири Мхат ака?" деб сўраб қолди. Гурро кулги кўтарилди. — Ботир Зокиров кўшиб қўйди: — Исми шарифини айтмадим сизларга. Лекин "МХАТ"нинг нима эканини яққа ўзига тушунтирдим.

Шунда Икром акам дардини айтиб қолди: "Маданиятга раҳбарлик қилиш даъвосида юрганларнинг аксарияти мутахассис бўлмаганидан асаблар чарчаб кетади. Асарни ёзишга эмас, уни идоралардан



ўтказишга кўп овора бўласан киши".

Бу воқеаларни хотирамда тиклаганимда Икром акам Жалолиддин Мангуберди сиймоси билан қизиққани, у ҳақда мусиқа орқали ҳикоя қилмоқчи бўлгани, негадир бирор идора ёки уюшма бунга эътибор бермагани ҳақида афсус билан ўйлайман. Операнинг адабий асоси — либретто яратиш босқичида ҳар бир партияни ёзишда, айниқса, катта драматик қучқа эга бўлган хор устида ишлашда машаққатларга гувоҳ бўлардик. Рўзи Чориев ҳада этган ёрқин бўёқларга бой манзаралар, Ботир Зокировнинг портрети билан безанган хонада Жалолиддин мард йигитнинг илҳомбахш сиймоси, нурли чеҳраси, адолат тантанаси учун курашган юртдошимизнинг меҳр-садоқати билан бирга, мисли кўрилмаган жасоратининг омиллари басталанаётган куйнинг руҳини, услубини белгилаб берарди. Айвондан ичкарига таралаётган гоҳ жанговар рудҳади, гоҳ тинч-тотув ҳаёт манзараларига мос руҳий тўлқинларни ифода этувчи оҳангларнинг турли қолғулардаги ижросидан ҳайратга тушардик. Бир девор нарида истиқомат қилган хонада, консерватория профессори Насим Хошимов пастақкина, омонат қурилган девор ёнига келиб, хайратланиб: "Қойил қоламан, бир тактни қайта-қайта эшитиб, маромини белгилаб, бошқа жумлалар билан боғлашга, айтиб қўйинг — офарин унга!" деб катта ишга қўл урган композитор шаънига илиқ сўзлар айтарди.

Уша пайтлар композиторнинг ҳаётини, асарларини қайта ўрганиш истаги, эҳтиёж пайдо бўлди менда. Пушкин асарини ўрганишимдан сўнг олдин кўзга ташлан-

маган (эҳтимол, мен эътибор бермаган) муҳим ахборот И.Акабаров ижодида содир бўлган воқеаларни тушуниб етишимга ҳам ёрдам берди. "Борис Годунов" либреттоси муаллифлари сифатида Пушкин ҳамда Мусоргский қайд этилган. "Жалолиддин Мангуберди" операсининг либреттоси бўлмаган. Икром Акбаров бу йўлда кўп ҳаракат қилди. Натижа чиқмади. Шунда Мақсуд Шайхзода асарини адабий асос қилиб олди. Либретто муаллифлари адиб Шайхзода ҳамда композитор Акбаров, деб қайд этиш учун мазкур асарлар мўқояса қилинган ҳолда ўрганилиши керак. Лекин билимдон адиб битган асар композиторга фақат илҳом берибгина қолмай, бадий компас хизматини ўтаганини ҳам инкор этиб бўлмайди. Бинобарин, композитор Пушкинга ва мумтоз мусиканинг йирик вакили Мусоргскийга мурожаат этгани бежиз эмас. Миллий маданиятимизга,

хусусан, ислом маданиятига хос бўлган улғуворлик, монументаллиқни ҳамда мусиқа қадрлаб келган композитор Европа адабиёти, санъати ва назарияси амалиётида орттирилган тажрибага ҳам мурожаат этгани табиий ҳол. Фортепиано ижросида эътиҳотин Икром Акбаров операсининг парчаларини ҳамда Мусоргскийнинг "Борис Годунов" операси ўртасида ҳеч қандай ўхшашлик, қайтарик, тақлид йўқлигини қомил ишонч билан айтман. Мулоҳаза услубий бирлик, икки асарнинг улғувор стилистикаси ҳақида бўлиши мумкин. Бу хусусдаги мушоҳадалар асар Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида саҳна юзини кўрганидан кейин давом этади, деб ўйлаймиз.

Мусиқанинг сеҳрли кучини юксак баҳолайдиган Рўзи Чориев сержило, фалсафаси мураккаб бўлган мақомга тенг қимматли ранг топиш амри маҳол, деб биларди. Шу фикрлари билан "Жалолиддин Мангуберди" операси ёзилаётган мўйтабар хонадонда гуруннга файз киритиб ўтирарди... Шундай садоқатли дўстлар, миннатдор шоғирдлар даврасида Икром ака, унинг умр йўлдоши Нина Сергеевна ўзларини бахтиёр сезишарди. Аслида ҳам улар бахтиёр эди.

Икром ака ҳаётигида Консерваториянинг катта залида унинг асарлари ижро этилган оқшом ёдимда қолган. Умр йўлининг тасвирчан, ҳам йилгатадиган, ҳам таскин берадиган, фалсафий ўйларга ундайдиган оҳанглари, уларнинг ўзаро қураши,

Сиймолар

Хамидулла АКБАРОВ, санъатшунослик фанлари доктори, профессор

ЁРУҒЛИККА ОШУҒТА КЎНГИЛ

Ёруғ ҳаёлларини оппоқ орзуларига улаб матога "тўкаётган" аёлни ҳеч қузатганмисиз? Унинг гўзал ниятлардан ёғдуланган

Камол эт касбким

нурли чеҳраси борлигини эришганими? Яқинда навоийлик қўлигул чевар аёл Жанна Батирбаева билан суҳбатдан шундай покиза туйғуларни туйдим.



Ортикча ҳашамлардан ҳоли шинам хонадонга ташриф буюрган одам худди санъат музейига кириб қолгандай бўлади. Уй бекаси ижод қиладиган хонага қадам қўйганингиз ҳамон матога "кўндирилган" фаришталар гўё сизни бағрига чорлайди. Турфа рангдаги гуллар, қўшлар, ҳайвонлар тасвири туширилган манзаралардан шундай завқ туюсизки, гўё она табият ўз неъматларини пойингизга поёндоз қилиб тўшагандек... Бу ноёб санъат асарлари инсон кўли билан яратилганга ишонингиз келмайди.

Ҳайратларим мени мафтункор асарлар соҳибаси билан суҳбатга ундайди. Жанна хоним эса ўзи ҳақида гапиришга шошилмайди, сизни қузатади. Саволларимни

нигоҳимдан англаган қахрамоним секин гап бошлайди:

— Каштачилик санъатида беш ёшимдан меҳр қўйганман. Бувим ҳам, онам ҳам қўлигул чевар бўлиб, тикувчилик, тўқувчилик, каштачилик билан шуғулланишарди. Уларни ҳавас билан кузатишдан чарчамасдим. Улар менга шим пойчасини қайтариш, қўйлак этагини тиқиш, чойшабларни бостириш, пайпоқ тўқиш-

нинг ишимдан миннатдор бўлиб, суюниб кетишлари менга куч бағишларди. Бундай лаҳзаларда бичиш-тиқиш машаққатлари эсимдан чиқиб, дунёларга сиймай кетардим.

Фалақанинг гардиши билан бир кунни қўшув аломатига ўхшаш услубда кашта тикадиган аёлни учратиш қолдим. Унинг ишларини ҳайратланиб томоша қилдим ва менда шу услубга кучли иштиёқ уйғонди. Бу усулда вафелли сочқа эмас, хом-сурпага кашта тикилар экан. Ордан кўп ўтмай бу техникани ҳам ўзлаштириб олдим. Шу тариқа миллий кашталаримизни замонавий услуб билан уйғунлаштириб тика бошладим.

Йиллар кетидан йиллар ўтаверди. Турмуш ўртоғим бу сермашаққат машғулотим узққа чўзилмас керак, деб сиртдан қузатарди. Аммо унинг ва бошқа яқинларимнинг ҳайратини оширган ҳолда, каштачилик санъатида бошим билан шўнғиб борардим. Бугун эса бу сеvimли машғулотим ҳаётим мазмунига айланиб улғурди. Бу завқли машғулот нафақат қалбимга ҳузур-ҳаловат бағишлайди, балки соғлигимга ҳам ижобий таъсир қўрсатади. Кўнглимни тинчлантириб, қалбимни даволайди. Каштачилик санъати узққ йиллар улаб ётган мусаввирлик истеъдодимни рўёбга чиқарди.

Ўзидан, оиласидан, ишидан, яратган асарларидан мамнун ва масрур бу аёл кўнглининг қатқатларидан сизиб чиқаётган нурдан қалбим ёришиб кетди. Ҳаёлимдан "Бахт ва омад, мулаҳаббат ва садоқат, тинчлик ва тўқинлик рангларини майин ипақлар билан матога битаётган аёл дунёсидан жозибалироқ яна нима бор дунёда", деган фикр ўтди.

Салима ХОЛДОРОВА

Навоий вилояти

нур ва соялар муносабатлари, "кўча чангиб ўтиб кетган болалик" ҳамда инсон фожеаси ҳақида яқиний мусиқали поэма-ни бастакорнинг ўзи бизга инъом этди. Мусиқа кўз ўнгимизда шундай жонланди: пианино чалмайман, деб ялангоёқ қор ва яхмалак узра қочаётган, уни қувлаб қолғу олдига олиб келаётган Илёс ака Акбаров, балогатга етиб узққ юртда мусиқа сирларини ўрганаётган ва илк севгисини хонанда қизга изҳор этган йигитча, лекин ниятига етмай, 30-40 йил танҳо ўтган, фарзанд кўрмай, бутун меҳрини мусиқага берган ижодкор, пировардида ҳамроҳларидан жудо бўлиб, ягона дўсти — ўзи қоп-қора, клавишлари оппоқ, торлари таранг тортилган рояль билан дардлашган дамлар...

Икром Акбаров қолдирган мусиқа, ҳали тўлалигича ўрганилмаган мероснинг бекиёслигидан ҳайратга тушаман. Ижоднинг сермахсул, серзавқлиги сабаблари ҳақида ўйлаб, жавобини ҳам топгандек бўламан. Тангри ато этган қобилият, мусиканинг кўз илғамас шаклини кўра билиш, юракка озиқ берадиган садоларни яратиш, уларни нота белгилари билан оппоқ қоғозга муҳрлаш... Икром Акбаровнинг асарларида давр, муҳит, профессионал мусиканинг камол топиш босқичлари ўз ифодасини топган. Шу боис концерт залларида кўз ёшимни тия олмасдим. Таниш оҳанглр, драматизмга тўла куйлар, симфоник оркестр тартатган садолар оғушида бўлганимда Икром ака тим қора рояль ёнида мусиқа париси билан мулоқотда бўлганини тасаввур этардим. 70 йил давом этган фаолият миллий мусиқа хазинасини бойитгани ҳақидаги ўйлар ўша дамда ҳам банд этганди мени. Замонамизнинг етук зиёлиларини мўйтабар хонадоннинг азиз меҳмони бўлгани, суҳбат, муҳоқама каттагина ижодхонанинг ярмини эгаллаб турган рояль атрофида кечганини эсламан.

Уновлар, муқофотлар билан тақдирланган бу сермахсул, серфирқ шахсини болалик чоғимдан билганим боис бир тафсилотни ҳамиша табассум билан эсламан. У таваллуд тоған ва Ленинград консерваториясига ўқишга кетгунга қадар "Катта ҳовли" деб атаб келинган хонадонда ҳақиқатан катта оила истиқомат қилган. Тўрт оғайни — тўрт амаки бир ҳовлига иморат солишган. Икром узққ йиллар ягона фарзанд бўлган бу файзли хонадонда. Шу боис уни Акбаровлар сулоласининг кенжа вакили сифатида эркалаб, эҳтиёт қилиб тарбиялашарди. Икром акам, ҳатто 60 ёшдан ошганида ҳам шундай муносабат сақлиниб қолган. Волидаи меҳрибонидан эрта жудо бўлган, фарзанд кўрмаган, амакилари, келинйилларининг меҳрини, халқимиз меҳрини кўрган эди улғу композитор.

Хамидулла АКБАРОВ, санъатшунослик фанлари доктори, профессор

Яшаётган қўшиқлар

Барот ИСРОИЛ

АЙЛАДИ ШАЙДО МУҲАББАТИ

Шоир Барот Исроил олтинчи йилга яқин давр мобайнида адабиёт гулшанида қалам тебрати келаятир. Унинг самимий, сикидилдан битилган, юрак қўрига йўғрилган шеърлари аллақачон муҳлислар қалбидан жой олган. Ижодкорнинг болалар учун ёзилган шеър, қўшиқ, топишмоқлари, "Эр ва шер" эртэк достони, "Шамон Айсуғон", "Балиқ бўлган қиз" афсоналари, буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг болалиги ҳақидаги "Алишернинг ширин тили" драматик достони ўқувчи-ёшлар орасида кенг тарқалган.



Барот Исроил халқимиз орасида оммабоп қўшиқлари билан ҳам танилган. Улар орасида "Оқ олтин", "Эй, она юрт", "Оҳангарон ўлани", "Беш оғайни ботир ўзинг", "Тингла, диёр", "Тулпорларим", "Суҳбатингга ташнаман, жонон", "Халқимиз", "Настарин" каби тароналар бор. Қуйида шоирнинг қўшиқ бўлган шеърларидан намуналарни ўқийсиз.

ОҚ ОЛТИН

Қор тагида шудгорнинг уйқусида оқ олтин, Деҳқон қўмсар даласин, туйғусида оқ олтин. Ҳамал ели гўзанинг қулоғидан торқилар, Кўёш заррин нур тўқар, ёдусида оқ олтин. Эгар гўза шохини шода-шода қўсақлар, Пахтакорининг севинчи, қулгусида оқ олтин. Тонг жамолни кўрганда — қийғос очилар қўсақ, Чаноқ сутдек қўпирар, парқусида оқ олтин. Фахри эрур халқимизнинг Ўзбекистон олтини, Бутуни ҳам эртаси, келгусида оқ олтин. Тонгда Зухра юлдузин тақиб чиққан қўқисига, Деҳқон ўғли Баротнинг орзусида оқ олтин.

ҲАЁТГА ЖИПО МУҲАББАТ

Излама дардимга даво, дардимга даво муҳаббат, Мақсаднинг не дема, менга асли мудо муҳаббат. Хумори бўлди зинда, найлайин ошкор айлайин, Ғойибдин бахт келмас эмши, бахтимга ҳумо муҳаббат. Ахтариб ҳаёт маъносин беҳуда ҳеч уринмагил, Бениш ҳаёт йўқдир ўзи ҳаётга жипо муҳаббат. Муҳаббат лаззатин тодтам ҳар лаҳза ҳумор қилур, Ишқ йўлига тўпийиш Барот, айлади шайдо муҳаббат.

БАХТИ ҚУЛГАН ТОШКЕНТСАН

Боболар Шош деган — улкан Тошкентсан, Авлодлар меҳрига тўлган Тошкентсан, Нон шахри, дебон ном олган Тошкентсан, Жаҳон билган, Бахти қулган Тошкентсан. Бекобод маъдани кўксинга қалқон, Олмалик минг рангли симу зарга қон, Оҳангарон кўмири ҳаловати жон, Жаҳон билган, Бахти қулган Тошкентсан. Тошкент денгизидан эсар шаббода, Бу водийга йўлинг тушса мабода, Меҳмон бўлиб келгил — шу жоним фило, Жаҳон билган, Бахти қулган Тошкентсан. Таърифнинг шарҳи дил айлар Баротнинг, Қўшиқ бўлғай сенинг мангу қанотинг, Тарих китобидан ўчмағай отинг, Жаҳон билган, Бахти қулган Тошкентсан.

БАҲОР ЎХШАР БАХТИМГА НАСТАРИН

Бу диёрда ҳар баҳор, Бахт келтирар элимга, Шодлигимдан ҳар сафар, Қўшиқ келар тилимга. Боққа чиқсам мен бу тонг, Кимдир ташриф этибди. Новдаларга ранго ранг, Гуллар тақиб кетибди. Севинчимни, аҳдимни, Гулга қиёс қилурман. Баҳор ўхшар бахтимга, Мен бубули бўлурман. Келган ким деб сўрасам, Боғда қулар гулгунча. Меҳрим қонмас қарасам, Токи дунё тургунча. Боғимда настарин бор, Гуллаиди ҳар илк баҳор. Настарин гули майда, Бундай гул бордир қайда? Ҳар шоху бир гулдаста, Атрига дил пайваста. Жимжимдор гуллари, Ўйнашар боғ еллари. Настарин гул қўлимда, Қўлимдамас, қўнғимда. Боғимда настарин бор, Гуллаиди ҳар илк баҳор.



ОРЗУЛАРГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ

Ўзбекистон давлат консерваториясининг катта саҳнасида "Асалоӣ" миллий қолғулар ансамблининг жажжи созандалари чиқишди... Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 306-мактабга таълим муассасасининг тарбияланувчиларидан тузилган жамоа аъзолари "Андижонча", "Қўғирчоғим Лола-хон" халқ куйларини маҳорат билан ижро этишди. Ҳамма уларни ҳайрат билан тинглади, баралла олқишларди... Баҳорий руҳга йўғрилган бу гўзал оҳанглр "Наврўз садолари" IV халқаро халқ қолғулари оркестрлари ва кўп овозли ансамблларнинг мусиқа фестивали деб очаси бўлди.

Мусиқа санъатида ҳавасманд ёш ижрочилар учун маҳорат майдони-га айланган мазкур анъанавий анжуман бу йил ҳам ўзгача шуқудда ўтди. Фестивалнинг очилишида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири Б.Сайфуллаев таъкидлаганидек, кўшни мамлакатлар билан мустаҳкамлик бораётган маданий алоқалар, иждодий ҳамкорлик жараёни фестивал доирасини янада кенгайтириш имконини берди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказилган саралаш босқичларида ғолиб бўлган жамоалар ҳамда Россия, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Мўғулистон каби давлатлардан жами мингга яқин ёш ижрочилар иштирок этишди.

— Мен Ўзбекистон консерваторияси битирувчисиман ва бундан фахрланаман, — деди Қирғизистон халқ артисти, ҳакамлар хайъати аъзоси Т.Муроталиев. — Мусиқий танловлардаги биринчи ғолиблик дипломинини буюк ўзбек композитори Мухтор Ашрафий қўлидан олганим кечагидек ёдимда. Бу ўқув маскани Марказий Осиё мусиқий маданиятида ўчмас из қолдирган. Унинг битирувчиларини бутун дунёда яхши билишади. Бугун фестивалда истеъдодини намойиш қилган ёш ижодкорларда уларнинг издошларини кўрдим. "Наврўз садолари" фестивали уларга профессионал мусиқа санъатида йўллана бериб, қалблариди катта орзу-мақсадларни уйғотишига ишонаман.

Фестивал кунлари устоз ижодкорлар, соҳа мутахассислари иштирокида концертлар, учрашув ва маҳорат дарслари, "Санъаткор маданиятига оид талабалар ва ёшлар таълим-тарбияси масалалари" мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ташкил этилди. Анжуман Консерваториянинг катта залида ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш маросими ҳамда гала-концерт билан ақунланди.

Ўз муҳбиримиз

2018 йил 1 сон

Журналнинг янги йилдаги биринчи сони Ш.Қамолдиннинг "Қадимги ибодатхона сирлари" ҳамда Р.Абдуллаевнинг "Наврўз оҳанглари" номли мақолалари билан бошланади. Б.Нодирнинг "Жанубий Ўзбекистон кўнғиротлари анъанавий кийимлари", Ў.Алимовнинг "Ўлғубекнинг яна бир мадрасасига доир", Г.Саидганиевнинг "Қадимги Қўқон" сарлавхали тадқиқотларида ҳам халқимизнинг бебаҳо меросига айланган ёдгорликлар, хунарамандлик турлари, урф-одат ва анъаналар ҳақида сўз юритилган. Шунингдек, ўқувчилар журналнинг бу сониди Т.Ҳайитнинг "Чағоний — алломалар маскани", Г.Абдурахмоновнинг "Қуллоқчиликда люстр усули", Н.Муминовнинг "Маънавий мерос", Ш.Исмомалиевнинг "Қўқна Косон", Л.Аҳмадалиевнинг "Мавлавий Намонгоний мақбараси" номли мақола ва тадқиқотлари билан танишиши мумкин.





ТАБИАТ УЙҒОНИШИ

Наврўз — қутлуғ сўз. У кўнглимиз нурафшонлиги, ҳаёт абадийлиги, шукроналик тимсоли. Оллоҳга шукр, истиқлол боис Наврўз ва бошқа миллий анъаналаримиз асрлар губоридан покланди. Юртимизда яна қутлуғ айём руҳи кезмоқда.

Наврўз байрами табиат билан инсон ўртасидаги муносабат асосида вужудга келган. Бу тарихий анъананинг пайдо бўлиши жамият тараққи-

ми. Наврўз келиши билан инсон вужудида ҳам янги ҳис-туйғулар уйғонган. Совуқ қишдан сўнг оламнинг пайдо бўлиши жамият тараққи-



бу байрамни ўз ҳаётларидаги энг ёрқин ва табаррук кун сифатида шоду-хуррамлик билан нишонлаб келадилар. Турли халқлар ва мамлакатлар ўртасида иқтисодий ва маданий алоқалар кучайгани сари Наврўз мазмунан бойиб, бошқа ўлкаларга ҳам тарқалган, яхши анъанага айланган.

Абу Райҳон Беруний бобомиз ёзганларидек, Наврўз — баҳор байрами, табиатнинг гуркираб жонлашиши ва янги либосга бурканиши айё-

ми. Наврўз келиши билан инсон вужудида ҳам янги ҳис-туйғулар уйғонган. Совуқ қишдан сўнг оламнинг пайдо бўлиши жамият тараққи-

ми. Наврўз келиши билан инсон вужудида ҳам янги ҳис-туйғулар уйғонган. Совуқ қишдан сўнг оламнинг пайдо бўлиши жамият тараққи-

велий томонидан тузилган "Юлдузлар осмонининг атласи"ни ўқиб, бу асар жуда катта тарихий-илмий ва бадий қимматга эга эканига амин бўлдим. Китобдаги расм ва суратлар айрилган саҳифаларга тўри тушмагани ва уларга аниқ изоҳ беришда хатоликларга йўл қўйилганига қарамай, эзукко ўқувчи ўзи учун кўп фой-

дали маълумотларни кашф этади (Китоб 1968 йили "Фан" нашриётида чоп этилган). Ундаги суратларнинг бирида буюк астроном-олимларнинг ўтиришгани тасвирланган. Даврага астрономия музаси — Урания бошчилик қиляпти. Ана шу аллегорик гравюрада Ураниянинг ўнг томонида Муҳаммад Тарагай Улуғбек, немис астрономи Гасс, поляк олими Ян Гевелий ва Ураниянинг чап томонида юнон олими Птолемей, даниялик Тихо Браге ва италиялик Риччиоллар жой олган.

Урания ўнг қўлида куёш ва чап қўлида ярим ой белгисини тўтиб турибди. Мечинаг тушунишимча, куёш ва ой тимсолидаги бу белгиларни Улуғбек ҳазратлари тақдим этган. Хоразм ҳудудида олиб борилган археологик тадқиқотларда топилган қадимги тангалар шундан гувоҳлик беради. Бундай тангалар милодий VIII асрнинг ўрталаригача зарб этилган. Улуғбек кун ва тун узун ёки

қисқалиги борасида кўп изланишлар олиб бориб, бу борада катта маълумотга эга бўлган. Шу сабаб, астрономлар ҳукмига баҳорда кузатиш мумкин бўлган кун ва туннинг тенглиги, яъни янги йилнинг бошланиш вақти ҳавола этилган. Китобда ой ва йил календарларидан сўз очилгани ҳам шунга ишора. Кун ва тун тенг келган вақт эса, бу — янги йилнинг бошланиши, яъни Наврўздир!

СОҒИНЧ

Наврўз фақат бизда эмас, кўплаб бошқа ўлкаларда ҳам байрам қилиб келинган тарихий анъана. Шу сабабдан, Наврўз байрами дунё маданиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Шу маънода Урта Осиё халқларининг қўшни мамлакатлар билан қадимий дўстлик, иқтисодий ва маданий алоқаларини ҳар томонлама ривожлантиришда



Наврўзнинг тарихий моҳиятини илмий асосда англашнинг аҳамияти катта. Наврўзи олам — жамики ҳаётини қувончларнинг, турфа гўзалликларнинг жамулжамидир.

Азиз БОБОЖОНОВ, Хунармандлар уюшмаси аъзоси

СЕВИНЧЛАРИ БИР ОЛАМ

Она диёримизнинг барча гўшалари қатори таълим масканларида ҳам Наврўз тантаналари нишонланаётир. Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 167-ўрта таълим мактабида ташкил этилган байрам шодиёнаси ёш авлод қалбига бир олам севинч улашди.

Ўқитувчи ва ўқувчилар, мактаб раҳбари Р.Алимова ҳамда Маннон Уйғур номидagi маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ш.Музрабеков ва фалоллар кўмагида бу шодиёнага алоҳида тайёргарлик кўрилди. Айниқса, миллий уйинлар — қураш, арқон тортиш каби мусобақалар, баҳорий таомлар билан асатишган дастурхон атрофидаги дилкаш суҳбатлари уйин-кулгилар барчага кўтаринки руҳ бағишлади. Тадбир ўсиб келаётган ёш авлод қалбига миллий ўзликни англаш, Ватанга, азалий қадриятларга ҳурмат ва эъзоз туйғусини янада юксалтирди.

Роҳила АХМАТОВА, ўқитувчи



НАСР КЕНГАШИ ҲИСОБОТИ

Ўзвучилар уюшмаси Наср кенгашининг йиллик ҳисобот йиғилишида ижодий кенгашлар фаоллари, ўзвучилар, адабиётшунослар иштирок эттишти.

Уюшма раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али йиғилишни очиб, ўтган йилги адабий жараёнинг баъзи масалаларига тўхталиб ўтди. Наср кенгаши раиси, ёзувчи Абдуқаюм Йўлдошга ўтган йилги ёзувчи Исажон Султоннинг Стокгольм шаҳрида бўлиб ўтган "Open Evrasiya" халқаро танлови ғолиби бўлгани, шу танловда иштирок этган ёш адиба Нодирабегим Иброҳимова ҳам алоҳида эътироф этилганини таъкидлади.

ЎЗУВЧИЛАР УЮШМАСИДА

Йиғилишда, шунингдек, ўзвучилар Озод Мўъмин, Собир Ўнар, Неъмат Арслон, адабиётшунослар Гулноза Сатторова, Ислоҳ Ёқубов маърузалар юзасидан мулоҳазаларини билдиришди.

Рисолат ҲАЙДАРОВА

ХУШЁРЛИК ТАЛАБ ЭТИЛАДИ

Қурилишда ёнғин хавфсизлигини таъминлашда қурилиш меъёр ва қоидалари, технологик лойиҳалаш меъёрига риоя қилиш, бошқа ёнғин хавфсизлигини белгилловчи қоидаларни кўзда тутиш тавсия этилади. Ҳар бир масканда ёнғин вақтида одамлар хавфсизлиги таъминланган, шунингдек, ёнғин хавфи бор бино ва қурилмалар учун ёнғиннинг олдини олиш йўриқномалари ишлаб чиқилган бўлиши керак. Барча муассасаларнинг ишчи ва хизматчилари ёнғин хавфсизлиги қоидалари бўйича йўриқнома (маълумот) олганларидан кейин ишга киришишга рухсат берилди.

Ёнғин хавфсизлигини таъминлашдаги умумий жавобгарлик, амалдаги қонунларга асосан, муассасаларнинг раҳбарларига қўйилади. Шахсий уйлар, дала ховлилари, гаражлар ва бошқаларда ёнғин хавфсизлиги бўйича жавобгарлик уларнинг эгаларига юклатилади. Бино, иншоот, хона, ускуналар ижарага олинган ҳолда, агарда шартномада кўрсатилмаган бўлса, ёнғин хавф-

сизлиги бўйича жавобгарлик ижарачига юклатилади.

Конструкцияларнинг ёнғин таъсирида ёниш ёки ёнмаслиги уларнинг ёнғинчанлик хусусиятини белгилайди. Конструкцияларга ёнғин вақтида нафақат юқори ҳаракат, балки уларнинг оғирлиги ва фойдаланиш қуввати ҳам таъсир қилади.

Ёнмайдиغان материаллар ҳам бор. Масалан, пўлат ёнмайдиغان материаллар сирасига киририлган. Лекин юқори ҳароратда пўлат ҳам ўз шаклини йўқотиб, бир уюм металл қолдиғига айланади, кучли қизиш натижасида хусусиятини йўқотиб, эгилювчан бўлиб қолади. Пўлат устунларнинг ёнғин оқибатида эгилиши биноларнинг вайрон бўлишига олиб келади. Ёнғиндан етарлича химояланмаган пўлат конструкцияли биноларда ёнғин бошланганидан 15-20 дақиқа ўтганидан сўнг уларнинг қулаб тушиши, ёнаётган масканнинг бутунлай вайрон бўлгани кузатилади. Бундай ҳолатлар барчамиздан оғоҳ ва хушёр бўлишни талаб этади.

Ж.СОДИҚОВ, Х.НИҒМАТОВ, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари

ОҒОҲ БЎЛАЙЛИК

Оммавий ахборот воситалари, телевидение ёки ижтимоий тармоқлар орқали кунда-кунора қулқоқ чалинаётган ёнғин билан боғлиқ ҳодисалар ҳақидаги маълумотлар ҳеч бир кишини бефарқ қолдирмайди. Чунки бу талафот орқали инсонлар соғлиғи хавф остида қолади ёки мол-мулкка катта зарар етади.

Газ, кўмир ёқилмаган иситиш мосламаларининг мўрилари тозаланишига эътибор қаратиш керак. Кимёвий моддалар, каучук ва пластмассадан ясалган буюмлар тез ёнишидан ташқари, ўзидан зарарли моддалар чиқариши билан ҳам хавфли. Нохуш ҳолатларнинг рўй беришига эса озгина бефарқлик сабаб бўлади. Кимдир уйдаги қўлбола иситкичдан ноўрин фойдаланади, яна кимдир болаларнинг гугурт ўйнашини оддий ҳол деб билади. Аксарият ҳолларда кўчада уюлиб ётган чиқиндиларни ёқиш орқали ҳам фалокат рўй беради. Ана шундай кўнгилсиз ҳодисаларнинг рўй бермаслиги учун ҳар бир фуқаро ёнғин хавфсизлигига риоя қилиши, симлар туташувидан пайдо бўлган учқун ҳақида ёнғин хавфсизлиги ходимларига дарҳол хабар бериш лозим. Ўзбошимчилик билан электр симларини улаш ҳам хавфли эканлигини унутмаслик даркор.

А.ЁҚУБОВ, Х.НОЗИМОВ, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари

Бойжигит АБДУЛЛАЕВ

БОҒУ БАҲОРИНГ ЯХШИ

Б.Абдуллаев Жиззах вилоятининг Бахмал туманида туғилган. Сирдарё давлат педагогика институтини (ҳозирги Гулистон давлат университети) филология факультетини битирган. «Тоза руҳ», «Газарру манзили», «Яшасин муҳаббат», «Муҳаббат оҳанглари», «Матонат» ва «Қисмат қўшиғи» китоблари чоп этилган.



КўНГИЛ МИНТАҚАСИ

АЗИЗ ЮРТ

Азиз юрт, боғинг баҳоринг яхши, Осуда ҳар кунинг, наҳоринг яхши.

Боғларинг жаннатий, андалиблар маст, Саявалар сайраган гулзоринг яхши.

Бунчалар серфайзидир хиёбонларинг, Кўзларга тўғти губоринг яхши.

Олтиндир замининг, меҳнаткаш элинг, Ноз ила неъматинг, бозоринг яхши.

Тинчликка йўғрилган ҳар битта ғоянг, Эзгулик чуллаган алёриңг яхши.

Ҳеч кимдан бизлар кам эмасиз, деган Аҳдинг хуш, бағоят қароринг яхши.

Бойжигит, Ватаниннг малҳини эттид Бул ҳақда ёзганиннг, ашъоринг яхши.

ОҚШОМ

Очмас юз боғимда гулим оқшом, Бул қадар бўлмас эди сўлим оқшом!

Андижон томонларда хаёлларинг, Ул томон тушса нетай йўлим оқшом?

Ҳар кун бир бор туғилдим қўида, Мен учун ҳар тунда бир ўлим — оқшом.

Гар кўриб қолса мени режиссёрлар, Қайс ила Фарҳод бўлур рўлим оқшом.

Ёр хаёлидан бўлак йўқдир илинж, Толенидан очма фол, лўлим, оқшом.

Не қилай, дер Бойжигит фарёд чекиб Этмас эр сочиға қўлим оқшом?!

ҲАЙ ҚИЗ

Қўшиқ

Ҳай қиз, айттид, билайин Қишлоғининг отини. Мунча кўркем яратган Оллоҳ одамзотини.

Балки ҳолим сўрарсан, Ёнимда шод юрарсан, Қачон раво кўрарсан, Сўзларинг новвотини.

Кўнглим сирин билдинг-ку, Жигар-бағрим тилдинг-ку, Аёлдар-тўнтар қилдинг-ку Бир йилгит ҳаётини.

Роса ойдай тўлибсан, Менга боқиб, қулибсан, Ҳай-ҳай, бутун бўлибсан Маҳалланиннг отини.

Балайдасан, биласан Қачон кўзга иласан? Айттид, нима қиласан Олиб қўйсан шотини?

Ҳаққим борми билмоққа, Бирга яшаб, ўлмоққа? Розимисан, бўлмоққа Бойжигитнинг хотини?!

ОМОН БЎЛСИНЛАР

Ҳамира Муҳаббатхонга

Дилда ширин сўзини пишинган, Яхшиликка ўзини эш этган, Қуяда юз бор раҳмат эшитган, Муҳаббатхон омон бўлсинлар.

Ниналари бирам беозор, Унда ҳаёт дорулари бор, Бир сўзини мен айтаман тақрор: Муҳаббатхон омон бўлсинлар.

Ҳориганлар, чопашлар айтсин, Ундан нажот топганлар айтсин, Яхшиликка яхшилик қайтсин, Муҳаббатхон омон бўлсинлар.

Аҳли бемор миннатдор доим, Сўзи ширин, ўзи мулоийм, Бир ўғинчим сенга, Худойим: Муҳаббатхон омон бўлсинлар!

Ўтга шoir бўлса ҳамки жам, Элга нафи бир дўхтирдан кам, Дунёдан Бойжигит ўтса ҳам, Муҳаббатхон омон бўлсинлар.

ҚЎМСАШ

Осонадай интиқ бўлдим пойнигизга, Онамим, қаролганим пойнигизга.

Шул ҳолини кўрганманда бор эдингиз, Қонки эди яна тушсам лойнигизга.

Айрон билан қуртобага ҳавасмандмен Ҳам иссиқ ном тўғралган ул мойнигизга...

Бир оқила келин бер деб ёлвордингиз Жойнамозга бош уриб Худойингизга.

Мен-чи, жўнаб кетдим битта нозанин-ла Қарамасдан ҳай-ҳаю дол-войингизга.

Рўмол совға қилмаб эдим тирикликда, Қойилмасиз шеърға ҳотамтойингизга?

Келмасингизни билсам ҳам, хаёл суриб Ўлтирибман новвот солиб чойингизга.

Ҳайқал қўйсан арзир бу кун дер Бойжигит Сиз онамин улгайтган ўройингизга*.

*Урой — раҳматли онам таваллуд топган Бахмал туманидаги қишлоқ.

ДИЛГА ЯҚИН НАВОЛАР

Ўзбекистон давлат консерваторияси қошидаги Иқтидорли болалар академик лицейида "Кўнгли наволари" деб номланган мақом кечаси бўлиб ўтди. Концерт дастури "Анъанавий ижрочилик" бўлими ўқитувчи-созандалар ансамбли ижросида "Мирзадавлат" халқ куйи ижроси билан очилди.

— Мазкур куй ёшларимиз талқинида чиройли тарзда халқимизга қайтанидан жуда хурсандман. Мақом санъатининг янада ривожланиши йўлида юртимизда олиб борилаётган ишлар таъсирга соловор, — деди профессор Маҳмуджон Тожибоев. — Бу муқаддас даргоҳда кўплаб устозлар таълим беришган. Аммо уларнинг аксариятига бундай тарихий жараёни кўриш насиб этмади. Сиз устоз ва шогирдларга шундай бахтли замонада тинимсиз ижод қилиб, мақом санъатига муносиб ҳисса қўшишингизни талаб қоламан.

Кечада ижро этилган мумтоз мусиқамизнинг бебаҳо дурдонаси "Шашмақом" туркумидаги "Наво" мақомидан "Сараҳбори Наво", "Мўғилчаи Наво" сингари йирик асарларни тингловчилар олқишлади. Мақсад Жабборов синфининг ўқувчи-созандалар ансамбли ижро этган Фаҳриддин Содиқовнинг "Сўлим баҳор" асари йиғилганларга баҳорий кайфият улашти. Доирачилар ансамблининг Қарамон Далаев ва Аббос Қосимов ижро дастуридан "Уч доира салолари" асари ижроси эса талбирга жушқинлик ва қувноқлик бахш этди.

Зебо НАБИЕВА, академик лицей ўқитувчиси

Ўзбекистон Ўзвучилар уюшмаси ва «Ижод» жамоат фонди уюшма аъзоси

Сафар КОКИЛОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси жамоаси тахририят ходими Маҳмуд Саъдийга кизи

Дилбар ЭШМУРЗАЕВАнинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЎЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ҲОМИЙ:
«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ»
АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ

**O'zbekiston
adabiyoti va san'ati**

Бош муҳаррир Сирожидин САЙИД

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон манзилимиз: uzas.gzt@mail.ru

Тахририятга келган қўлёмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқлиниши мумкин.

Маъсул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Мурод АБДУЛЛАЕВ
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-ўй.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 22.55

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВА НАРХИ ЭРКИН.

ISSN 2183-134X

9 772183 134000